



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2016-yil 18-noyabr № 47 (4394)

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2016 йил 17 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. 3-Бухоро, 6-Наманган, 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиялари раисларининг ахбороти эшитилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни юксак таъкилий даражада ўтказишда участка сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш

Сайлов – 2016

мустақил институти томонидан участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва уларнинг комиссиялар фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Шу йилнинг 20-30 ноябрь кун-

лари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида сайлов участкаларини овоз беришга тайёрлаш, муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш, сайлов куни овоз беришни ташкил қилиш, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш ва бошқа долзарб масалаларга бағишланган семинарлар ўтказиш кўзда ту-


тилмоқда. Комиссия аъзолари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг сайловчиларнинг яшаш жойида овоз бериши билан боғлиқ айрим қоидаларини бир хилда қўллашга тааллуқли масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сайловга тайёргарлик

кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов участкаларида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Мажлисида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти миссиялари кузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири



«Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, I-боб, 5-модда

ВАТАН

Неча тоғлар турибди тикка,
Мардонавор, мағрур ва бардам.
Бошига қор тушса кўнликкан,
Елкасини офтоб урса ҳам.

Мен-чи, битта сўзни лоқал,
Тополмадим дил дугатидан.
Хижолатман бошимда турган —
Одамларнинг муҳаббатидан.

Неча боғлар очмоқда чирой,
Майсаларга бурканар доvon.
Харсангларга урилса-да сой
Этар эзгу йўлларда давом.

Ишон, энди ташладим қадам,
Ҳаётимда бордир кўп маъни.
Ҳеч бўлмаса — Шамол бўларман,
Байроғингни ҳилпиратгани..

Махфуза ИМОМОВА

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясида сайлов жараёнларини кузатиш учун мамлакатимизга келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узок муддатли кузатувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссияси раиси Н.Собиров хорижий кузатувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси фаолияти ва унинг ваколатлари, вилоятда ташкил этилган сайлов участкаларидаги тайёргарлик ишлари ҳақида маълумот берди.

Фарғона вилоятида ташкил этилган 980 сайлов участкасининг барчаси сайлов қонунчилигида белгиланган тартиб асосида зарур жиҳозлар, техник воситалар ҳамда адабиётлар билан таъминланган. Она ва бола, тиббиёт хоналари тўлиқ жиҳозланган. Улар ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунчилик, ошкоралик ва транспарентлик прин-

ципларига қатъий риоя этади.

Айни пайтда давом этаётган сайловолди кампаниясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тенг шароит ва имкониятлар яратилган. Бу даврда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда номзодларга ҳақмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланган.

Халқаро кузатувчиларга участка сайлов

комиссияларининг фаолияти, уларнинг ваколатлари, сайлов комиссиялари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари хусусида сўзлаб берилди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узок муддатли кузатувчилари Джиллиан Элизабет Глойер ва Андрей Краснянский сайловга тайёргарлик борасидаги ишларни юқори баҳолади.

— Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик жараёнини кузатишда иштирок этаётганимиздан мамнунмиз, — дейди кузатувчилар миссияси вакили Джиллиан Элизабет Глойер. — Биз Фарғона ва Андижон вилоятларида сайлов кампаниясининг бориши, миллий қонунчилик ва халқаро стандартларга риоя этилишини кузатиб борамиз. Фарғона шаҳрининг гўзаллиги, озода ва орасталиги бизда катта таассурот қолдирди.

Халқаро кузатувчилар сайлов округида комиссиянинг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан танишди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири



ДЎСТЛИК НАМОЙИШИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида Ўзбекистонда Россия қонунларининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унга вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари, миллий-маданий марказлар вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, санъат иҳлосмандлари, талаба-ёшлар таъкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Ф.Жалолов, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси В.Тюрденев ва

бошқалар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро алоқалар тарих синовидан ўтган, ишончли ҳамкорлик тамойилларига асосланишни таъкидлади.

Бунда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг хизматлари катта эканини алоҳида таъкидламоқ керак.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартно-

ма доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жабҳалар билан бирга, маданий-гуманитар соҳаларда ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, В.Пеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, нинг филиаллари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон мусаввирлари, халқ амалий санъати усталарининг ижод намуналаридан иборат кўргазмалар Россияда муваффақиятли ўтказилмоқда. Юртимиз театр жамоалари ушбу мамлакатда бўлиб ўтаётган фестивал, ижодий танловларда ўз репертуарларидаги энг сара спектакллари намойиш этмоқда. Ўзбекистонда ушбу давлатнинг театр, музыка, тасвирий, фотография, хореография санъатлари намояндаларининг ижоди халқимиз эътиборига ҳавола этилмоқда.

Мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасидаги 2016-2018 йилларга мўлжалланган маданий-гу-

манитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги дастур халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кўпмиллатли Ўзбекистонимизда бир юз ўттиздан ортқ миллат ва элат вакиллари сафида рус миллатига мансуб фуқаролар ҳам ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, мамлакатимиз раванки, унинг фаровонлиги, келажиги йўлида меҳнат қилмоқда.

«Олтин куз» халқаро санъат фестивали таъкил қилинган ушбу тадбир Россия маданиятига доир ёрқин намуналардан лавҳаларни намойиш этади, икки халқ ўртасидаги маданий, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбир «Терема» рус халқ чолғулари ёшлар оркестри концерти билан бошланди. Шунингдек, «Россия қалби» деб номланган болалар расмлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан ўрин олган суратларда жажжи ўғил-қизларнинг тинчлик, осейишталлик, Ватан, оила, яхшилик, меҳр-муруват, аҳиллик ҳақидаги тушунчалари содда, самимий, беғубор, завқли тасвирларда акс эттирилгани билан кўпчиликда катта таассурот уйғотди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ҳар бир миллатнинг тараққиётида унинг тарихий мероси, маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари бекиёс аҳамиятга эга. Конституция асосий қонун сифатида шу давлатда яшайдиган халқнинг менталитети, урф-одатлари, маданияти ва маънавий қадриятларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бош Қомусимиз ҳам ўзида халқимизнинг маънавияти ва маданияти, орзу-ниятлари, эзгу интилишлари, мақсади ва миллий қадриятларини тўлиқ акс эттиради.

Мамлакатимиз давлатчилик, ҳуқуқ масалаларида бой тарихий илдирига эга. Аждодларимиз тамаддун тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Масалан, «Темур тузуқлари», «Бобурома» каби асарлар, Имом Бухорий ҳадислари, Берунийнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари ҳам тарихий, ҳам маънавий манба ҳисобланади.

Конституциямиз сиёсий барқарорлик ва миллий тотувликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг истикболларини белгилаб боришда, ўзбек миллий давлатчилигини ривожлантиришда, халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Унда миллий қадриятларимиз асоси бўлиб бағрикенглик, тинч-тотувлик ғоялари теран ифодасини топган. Мамлакатимизда яшаб ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб қишларнинг тенглиги акс этган. Чунончи, Қомусимизнинг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади», деб белгиланган.

Асосий қонунимизда миллатлараро тотувлик ғоясига алоҳида эътибор берилган умум-башарий қадрият турли халқлар биргаликда яшайдиган минтақа ва давлатлар тараққиёти-ни белгилашда, пировардида шу жойда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда қафолат бўлиб хизмат қилади. Фикримизнинг далили сифатида Конституциямизнинг баъзи қоидаларини мисол қилиб келтириш мумкин. «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенгдир», (18-модда).

Конституциямизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир миллат ва элатларнинг тиллари, урф-

одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди», деб таъкидланган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, 1992 йилда миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга қўмақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Байналмилал маданият» маркази ташкил этилди. Ушунда 12 та миллий-маданий марказлар фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун 100 дан ортқ марказлар ишни мувофиқлаштириб бормоқда. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида ўқилиш учун кенг имконият яратилгани, кўплаб тилларда газета, журналлар чоп этилиб, телекўрсатувлар ва радио эшитиришлар олиб борилаётгани бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир.

Конституциямизда динлараро бағрикенглик ғоясини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилган. 31-моддада таъкидланганидек, ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон ҳақ-ҳақ динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Ҳозир мамлакатимизда бир қатор диний конфессиялар мавжуд бўлиб, уларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз асосида миллий қадриятларимиз, бой тарихий, маданий меросимиз, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз эътибор топиб юксалмоқда. Конституциямиз халқимиз кўзлаган асосий мақсад — озода ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришда, давлатимизнинг юксалиши ҳамда буюк давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳаммад УСМОНОВ,
профессор, юридик фанлари доктори



“Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”.

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 49-модда).

АЖДОДЛАР МЕРОСИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимиз мустақиллики кўлга киритганидан кейин тарихий ҳақиқатни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳаётини зарурат эди. Чунки озодликни кўлга киритган халқ кўп асрлар давомида босиб ўтган тарихий йўлини аниқ билиши, буюк аجدодлари меросидан тўлиқ баҳраманд бўлиши керак эди. Бу миллатимизнинг ўзлигини англаб етиши, истибод даврида топталган ғурурини тиклаши, мамлакатимизнинг келажақ йўлини белгилаб олиши учун хизмат қиларди. Бу ишларни амалга оширишда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг мустақиллиkning илк йилларида тарихчи олимлар билан учрашувида ўртага ташлаган “Тарихий хотирасиз келажақ йўқ” деган ғоявий концепцияси асос бўлди.

Тарихимизни ҳаққоний ёритишда халқимизнинг яратувчилик фаолияти билан боғлиқ бўлган қадимий шаҳарларимиздаги ёдгорликлар, обидалар, иншоотларни қайта қуриш, таъмирлаш, асл ҳолида бўлиб этиш каби ишларга алоҳида эътибор берилди. Бу бежиз эмасди. Чунки маданий бойликлар тарихнинг жонли гувоҳлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда 7198 та тарихий ёдгорлик рўйхатга олинган. Шундан 2357 тасини меъморий обида, 3843 тасини археологик ёдгорликлар, 998 тасини маҳобатли тарихий иншоотлар ташкил қилади. Шу рақамларнинг ўзиёқ мамлакатимизнинг нафақат Шарқда, балки бутун дунёда тарихий маданий ёдгорликларга бой ўлкалардан бири эканлигидан далолат беради. Ёдгорликларимиз орасида тарихий меъморий обидалар алоҳида ўрин тутаяди.

номларини улуғлаш, хотираларини абадилаштириш борасида ҳам улкан ишлар қилинди. Улуғ мутафаккир, математика фани асосчиси Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, буюк астроном, Ахмад ал-Фарғоний, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино, ўрта асрлар астрономия илмининг улуғ намояндаси Мирзо Улуғбек, мумтоз шеърятимиз даҳоси Алишер Навоий, Ватанимиз озодлиги учун курашган Жалолиддин Манғуберди, буюк соҳибқирон Амир Темури, шоир ва давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобур ҳайкалларининг ўрнатилиши истиқлолнинг шарофати ва Биринчи Президентимизнинг беқиёс хизматлари намунаси бўлди. Буюк мутафаккирларимизнинг халқроқ доирада таваллуд саналари нишонланди. Ўзбекистон дунё тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк даҳолар юрти эканлиги эътироф этилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар қайта қурилиб, таъмирдан чиқарилди. Амалга оширилган улуғвор ишлар халқроқ миқёсида тан олинди. Мамлакатимиздаги тўртта қадимий шаҳар — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ЮНЕСКО томонидан Бутун жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. 2007 йилда Тошкент шаҳри таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқроқ Ислам ташкилоти — АЙСЕКО томонидан “Ислам маданияти пойтахти”, деб эълон қилинди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ва ЮНЕСКО қарорларига кўра, тарихий шаҳарларимизнинг юбилей тўйлари дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда нишонланди. Буларнинг ҳаммаси истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг ўз тарихини асраб-авайлаш борасидаги дунёвий нуфузи ва мавқеини юксалтирди.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти бошлаган хайрли ишлар — тарихни ўрганиш, муаззам меъморий ёдгорликлар, обидаларни қайта қуриш, таъмирлаш борасидаги улуғвор ишлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Давр ёшлар нигоҳида БАХТИ КУЛГАН БОЛАЛАР

Мен Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида яшайман. Юртимизда юз бераётган ҳар бир ўзгариш, янгиланишга ўзгача нигоҳ билан қарайман. Яқинда туманимизда барча замонавий технологиялар билан жиҳозланган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда маданият ва аҳоли дам олиш маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ундан аввалроқ туман марказида кўрган кўзни қувватловчи маданият ва истироҳат боғи, мухташам тиббиёт бirlашмаси барпо этилган эди. Қолаверса, болалар мусиқа ва санъат мактабининг қад кўтариши ҳам барчанинг қалбини қувончга бурқяди.

Ўн ёшли жияним ҳар куни эрталаб шахмат тўғрагига, саккиз ёшли жияним эса фортепиано ва қашқар рубобини ўрганиш мақсадига мусиқа мактабига йўл олади. Бувим “Бир айлиниб, силардай ёш бўлиб қолсам, қанийди!” деб ўқишга кузатади. Фарзандларини пахта далаларида дунёга келтирган ва шийпонда қолдириб, азондан шомгача ер чопган бувимнинг ўтмиш ҳикояларини кўп бора тинглаганмиз. Баъзан янгамга қараб хавасларини яширолмайдилар: “Бўл, бўл, хозирнинг ёши бўл, экан-да! Замонангдан айланай! Тўй ўтгач, бепул дори-дармонлар, шифокор назорати, фарзанд дунёга келгач, суюнчи пуллари, тугурқ таътиллари ва то улгайгунга қадар тарбия ҳақи... Худойим, нахот шундай замоналар бизга қолса этган бўлса?!”

Бувимнинг хайратлари бўлишини тоғдай ўстиради. Ўтган йили “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар танловининг республика босқичида иштирок этиб, голибликни кўлга киритдим. Танловга йўл олаётганимда голиб бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйган эдим. “Лочин” оромгоҳидаги ўн кун озуларини буткул ўзгартириб, ҳаётимга янги нафас олиб кирди. У ердаги танлов иштирокчилари учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, малакали мутахассислар томонидан ўтказилган маҳорат дарсларида қатнашиб, “Мен шунча эътиборга лойиқманми? Бунчалик жонқурликка эришимми?”, дея ўзимга саволлар бердим. Уйга қайтар эканман, кўлимдаги “Юрт келажаги” тимсолига қараб, ўйланиб қолдим: Бу меннинг ўз билимимни янада оширишим учун берилган бир имконият ва айна чоғда, масъулият деб тушундим.

Бугун кишлоғимнинг кенг кўчаларида яйраб, ўйнаб юрган жажжи болакайларга боқиб, бувимнинг бир гапи қулоғим остида жаранглайверади: “Бу болаларнинг пешонаси беш эмас, олти қаринчи!”

Бахтинисо МАХМУДОВА,
“Камолот” ёшлар ижтимоий
ҳаракати фаоли

Доимо китоб муталаа қилувчи ва аксинча бу ишга ҳафсала билан ёндашмайдиган ёшлар ўртасидаги фарқи сезиш қийин эмас. Китобга меҳр қўйган ўқувчи ёки талаба одатда компютер ўйинлари, янги русумдаги кўл телефнларию кўнгилочар сайтларга муккасидан кетмайди. Чунки уларда фойдасиз юмушлар билан шуғулланишга вақт ҳам, эҳтиёж ҳам бўлмайди.

Газета саҳифасида “Ёшлар нимани ўқияпти” мавзусида берилган тенгдошларим фикри билан танишиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, ёш иҳодкорлар, адабиёт, санъат соҳасига кириб келаётган навқирон авлод вакиллари орасида китобга эътибор қатта. Шу ўринда, китоб нафақат ижод аҳли, балки барча соҳа вакиллари учун ҳам зарурлигини таъкидлаш лозим. Ҳамма гап аслида ёшларни китобга қизиқтира олиш, уларга керакли адабиётни тақлиф қилишга боғлиқ, деб ўйлайман.

Тўғри, кутубхоналар ва ўқув муассасаларида янги китоблар тақдироти, ёзувчилар билан учра-

КИТОБГА ҲАМ РЕКЛАМА КЕРАК

шувлар доимо ўтказиб борилади. Лекин бу муҳит барча ёшларни қамраб оляптими? Газетада чиқиш қилган тенгдошларимдан бири “Катталар китоб танлашда маслаҳат беришса яхши бўларди”, деган фикрни айтган. Ҳақиқатан ҳам ёшлар орасида бунга қатта эҳтиёж бор. Яқинда Франц Кафканинг янги нашрдан чиққан “Жараён” романини ўқиб тугатдим. Табиийки, бу ахойиб асардан олган таассуротларимни тенгдошларим билан ўртоқлашиш истаги пайдо бўлди. Шу ҳаёлда университетга йўл оларканман, ҳар куни талабаларнинг, бир зумга бўлса-да, ҳаёлини оладиган афишага кўзим тушди. Тасаввур қилдим: афишадаги турли рекламалар қаторидан янги китоблар ҳам жой эгалласа... Ранг-баранг кўринишдаги китобларнинг муаллифи, мазмуни ҳақидаги маълумотларни ўқий олсак, фойдали иш бўлмасдими? Масалан, кўл телефонларига эстрада хонандаларининг янги қўшиқларини юклаб олишни тақлиф қилувчи турли хабарлар орасида янги китоблар тўғрисидаги қисқача ахборот учун жой ажратиш мумкин-ку! Шунингдек, ёшларни янги нашрларни қайси китоб дўконларидан, қандай ақд ва баҳода топиш мумкинлиги ҳам бефарқ қолдирмасди.

Бир сўз билан айтганда, бугун китобга ҳам реклама керак. Бироқ бу жараён тиш чўткаси ёки бош оғриғини қолдирувчи дори рекламасига ўхшаб қолмаслиги лозим. Чунки китоб шунчаки кундалик эҳтиёж ашёси эмас, балки маънавий талаб омили. Уни қандай қондириш борасида тўғри ва ҳолис маслаҳат олиш ёшлар учун жуда муҳим.

Зулхумор ОРИФЖОНОВА,
ЎЗМУ талабаси

ВАТАН ТАСВИРЛАРИ

Фотограф Владимир Гончаренко ижодининг бош мавзуси — Ўзбекистон табиати. У ўзига хос нигоҳ ва моҳирлик билан шаҳару қишлоқлар, тоғу адиқлар, фасллар таровати, туну тонг, чўлу хиёбонлар тасвирини фотоасарларида муҳрлайди. Владимир Гончаренко 1949 йил Тошкент вилоятида туғилган. Археология, санъат, табиат, этнографияга оид қатор фотоальбомлардаги суратлар муаллифи, мамлакатимиз ва халқроқ миқёсдаги фототанловлар ва фотокўргазмалар совриндори. Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси фотопўшбаси аъзоси В.Гончаренко айна кунда «Uzbekistan Airways» журнали, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда ишламоқда.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент



Фотосуратлар уйида В.Гончаренконинг шахсий фотокўргазмаси очилди.

— Владимир Гончаренко Ўзбекистонга бўлган меҳрини ўзи олган суратларда ифодаляйди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳмонберди Исмолов. — У юртимиз бўйлаб кезиб, ўлкаимизнинг бетакрор табиатини, гўзал манзараларини суратга олишга интилади. Бойсун тоғларини, Боботогъ этакларини ёки Айдарқўлда қуёшнинг ботишини фотоларда муҳрашга интилади. У олган суратлар бир-бирини тақрорламайди ва ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Фотокўргазмада муаллифнинг 50 га яқин сурати намойиш этилмоқда.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Мустақиллик нафақат яшаш тарзимизни, балки фикру ўйларимизни ҳам ўзгартириб юборди. Одамларимиз эзгулик ҳақида, қўлларидан келгунича бир бирларига яхшилик қилиш, отамерос анъаналаримизни унутмаслик, Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳақида тўлиб-тошиб гапирадиган бўлишди. Уларнинг бутунги кунга шукроналиклари ҳақида бир-бирдан қизиқ ҳикояларини тинглаб тўймайсан киши.

Самарқанднинг Ургут шаҳри ҳақида эшитмаган, билмаган одам бўлмаса керак. Уларнинг қизиқ одатларидан бири гапириши керак бўлмаган нарсалар ҳақида гапирмайдилар. Айниқса, ўзгаларга кўрсатган муруввати, савоб ишларини сир сақлайдилар. Айтсам миннат қилган бўламан ёки мақтанган бўламан деб ўйлайдилар, шекилли... Адаш Юсупов ҳам шундай одамлар сирасидан. Ўзи ҳақида сўрасангиз, маҳалласи, кишлоғининг тарихи ҳақида берилиб гапирари:

“Хўжа Аҳрори Валийнинг иккинчи ватани Ургутимизнинг Камонгарон маҳалласи бўлган. Насимхўжа Маҳмудовнинг “Ахборийнома” рисоласида келтирилишича: 1452 йилда Самарқанд султони Абу Саид Мирзо тақлифига кўра Хўжа Аҳрори Валий оиласи билан Самарқандга кўчиб келадилар. Куз фаслида Ургутнинг Камонгарон маҳалласида истиқомат қилганлар.

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилда Хўжа Аҳрори Валийнинг муборақ 595 йиллик саналари нишонланди. Кўпгина ободончилик ишлари амалга оширилди. Шулар қаторида Ургут туманидаги Камонгарон кишлоғида гумбаз барпо этилди. Биринчилардан бўлиб ўша ерни обод қилишга киришдик. Биласизми, “Тарихи Самария”нинг 43-бетида Шайх Абдусаиди Обрезиз ҳазратлари ҳақида ёзилган. Олим Нажмиддин Комиллов Шайх ҳазратларининг изларини излаб келган эдилар...”

Амир Темури ҳазратлари жангқоҳдан голиб бўлиб қайтаётган чоғларида Сароймулкxonим шу атрофдаги хушхаво манзилда кутиб олганлар...

Адаш Юсупов ўзи фахр билан тилга олган, тарихи китобларга битилган кишлоғини, Камонгарон қабристонини эринмай кўрсатиб чиқди. У кишининг сўзларини тинглай олиш учун ҳам тарих билимдони бўлиш керак эди. Булоқдан қувур орқали келтирилган зилол сув шу қадар муздайки, ичган одамнинг тишларини сирқиратиб юборади.



Қабристондаги кўк мармар тошга шифо талаблар келиб, сув қўйиб ичишар, тери касалликларидан даволанишар эканлар. Кўк тошдаги қадимий битикларни халигача ўқий олишмабди... Адаш аканинг эндиги орзуси қабристон атрофини янги панжара билан ўраш, нотекис ўсган дарахтларни тартибга келтириш. Мен буни ҳамсуҳбатимнинг бу ишлар битгандан бир келасиз-да зиёратга, деган гапларидан англадим.

Ҳамроҳим туманда замонавий кушхона қурдирибди. Тошкентга бориб, энг яхши кушхона қурилишини ўрганиб келибди. Гўшга топшириладиган моллар аввал ветеринар кўригидан ўтказилиб, кейин қўлда сўйилган экан. Ургутликлар ҳалол сўйилган молнинг гўштини олади, дейди. Ёғизак ўғиллари Ҳасан ва Ҳусан боболари Бобоёр буваинг қасбини давом эттириб, қассоблик қилишмоқда.

Адаш ака рафиқаси Мавжудахон билан беш ўғил, бир қизни воёга етказишди.

— Истиқлол бизга эркин яшаш, шарафли тарихимизни, қадриятларимизни улуғлаш имконини берди. Илоҳо, бахтимизга кўз тегмасин, — дейди Адаш Юсупов

Ургут шаҳридаги Гузни маҳалласи шаҳардаги энг обод маҳаллалардан бири ҳисобланади. Биз борганда кеч тушаётганига қарамай, маҳаллада одамлар гавжум, бир томонда тош, шағал юкланган машиналар, бир томонда усталар ишлаб ётибди. Рофе ака Носировни ҳам иш устида учратдик.

Сўрашгач, маҳалла биносига кирдик. Девордаги стендар, кўплаб фахрий ёрликлар маҳалла фаолларининг ютуқларидан ҳикоя қилади. Иккинчи қаватда маҳалла идораси учун етти хона қуриляётган экан.

Биринчи қаватдаги идора хоналари ва спорт зали мактабга совға қилинибди. Маҳалла биноси юз миллион сўм сарфланиб, ҳомийлик асосида қуриляётган экан. Бунга қандай эришдингизлар, деган саволимизга раис шундай жавоб берди:

— Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, дейишадик-ку. Маҳалламизда саховатли инсонлар кўп. Худо хоҳласа, 15 кунда ишга туширамиз. Маҳаллада 360 хўжалик бор. Асосий қисми тадбиркорлар, фермерлар, хунармандлар. Аҳоли зич жойлашган. Мактаб, шифохона,

озик-овқат дўкони бор. Тўйларни маслаҳатсиз ўтказмаймиз. Мен 17 йилдан буён ишлайман. Бирор киши ҳокимликка ариза билан бормаган. Ҳамма муаммолар маҳалла кенгашида ҳал қилинади. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар — ҳаммаси назоратимизда. Ўтмишимизни қадрлашни ўргандик. Қабристонни обод қилдик. Шундай кунлар шукрона айтишимиз, мустақиллиқнинг қадрига етишимиз керак.

Рофе ака билан саранжом-сарийшта, гулару райхонлар экилган маҳаллани айланаб чиқиб “Қанийди ҳамма маҳалла оқсоқоллари ана шундай жонқуяр, фидойи бўлса”, деган ҳаёлга бордим. Чунки ҳамсуҳбатим шу маҳаллага қарашли ҳар бир хондоннинг оилавий шароити, яшаш тарзини беш қўлдаи биларкан. Қирган хондонимизда яшайдиган бирор кекса отахон ёки онахон борми, ҳимояга муҳтож ёлғиз одам борми — барчасининг оилавий аҳволини эринмай сўраб чиқди.

— Ўзбекистонда аҳоли энг кўп яшайдиган қишлоқ бизнинг Ғўс қишлоғимиз бўлади. — дейди, тадбиркор Абдусамад Бахриев. — Ўттиз минг аҳоли яшайди. Отамиз Матлаб ҳожи тўқсонни, онамиз Саломат ҳожи саксонни қоралаб боришмоқда. Оилада беш ўғил, олти қиз, ўн бир фарзандимиз.

Биз беш ака-ука — Абдуқодир, Абдусамад, Абдурашид, Норкул, Абдуҳолиқ биргалашиб, “Яккасарой” тўйхонасини, қоғозни қайта ишлайдиган “Ургут — Чина — картон” қўшма корхонасини қурдик. Биласиз, Ургут майи-зи, мевалари билан машхур. Уларни қадқоқлаш учун чиқинди қоғозлардан қўти ишлаб чиқарамиз. Қорабулоқда интенсив боғ яратаямиз. Нўхат, ошқовоқ экдик. Лалми ерда қаттиқ меҳнат қилиб, дарахт кўкартирдик. Бу йил илҳ ҳосил нишона берди. Бир пайтлар Ғўс қишлоғи кўзга кўринмайдиган қишлоқлардан бири эди. Эндиликда бу ерда истироҳат боғи, санаот кўрғони бунёд қилинди. Хунармандчилик ривожланиб кетди. Мустақиллик туфайли биз маънавиятимизни ўзлгимизни англадик. Биринчи Президентимиз “**Юксак маънавият — енгилмас куч**” асарига шундай деган эди: “**Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагига Ватанга муҳаббат туйғуси илдири отиб, улғая боради. Бу илдири қанча теран бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади**”.

Ҳа, бизга айнан Ватан тушунчасини истиклолимиз англатди. Гўзал ва мафтункор Ўзбекистонимиз, жаннатмонанд Ургутимиз кучоғида яйраб-яшнашдан, Ватан ободлиги йўлида меҳнат қилишдан ҳам улуг ва савоб иш борми, дунёда? Шундай экан, ҳар биримиз Ватан равнақи йўлида тинмай меҳнат қилмоғимиз, ўтаётган тинч-осуда кунларимизни қадрлаб, уни кўз қорачиғида асраб-авайлаш ҳисси билан яшамогимиз шарт.

Ҳосият БОБОМУРОВА,
шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Ибодат РАЖАБОВА

МЕҢИҲТ БОҒЛАРИМ



ЛАБИ ҲОВУЗ...

Лаби Ҳовуз бугун туш кўрди.
Тушларида сўйлармиш минор:
“Бухородан бўлак дунёда,
Айтинг ахир, менинг кимим бор”.

Лайлак мулки бошимда салла,
Атрофимда гуллар мойчечак.
Тиргароннинг синган тирини
Гужумларга бергандим дарак.

Тонг, ўрнидан турди Етти Пир,
Каптар соғиб келди Зандана.
Шабдага айтди: “Бор боғнинг
Тиргак бўлар шамшодин сана...”

Варахшанинг кипригида гул,
Зарақдудон сўйлармиш қачон?
О, ҳамманинг ўғил тўйига
Чопон тикиб келар Ғиждудон.

Боғи боло — бол билан шарбат,
Ҳавзи бодом тўрт томони зар.
Азгунқалъа бешиқларидан
Фариштани уйғотди ахтар.

Метанработ кийинги тугди.
Пайкент шаҳар-дунё бохабар.
Руди Мосаф шаҳристон келиб,
Сув хумларда йиғиб қўйди зар!

Намозгоҳнинг қовуши қумуш.
Тошқўприқлар елкаси: “Ё, ху!”
Бухорода униб гуллаган,
Оқ ажриқ ҳам бўлади қоқу.

Куш индида синади ҳамма.
Ойда сузиб кетар Нухкема.
Сен Бухоро остонасини
О, шунчаки тугёғоч дема!

Кароматлар уруғи нишлар.
Омборлари Тангри ҳамёни.
Бу ўлкадан бўлак юртларда
Сут берувчи Ҳаққушлар қани?

ОНАМГА

Куз ўтди-ку, кузак ҳам ўтди,
Остонамга келиб кўнди қор.
Шаҳарлола уруғларини
Тол тарновдан оқиздим илк бор.

Сахро ухлар, йўллар сирпанчик,
Ковушимга ёпишади лой.
Ёғ хумларда тиниқиб ухлар —
Қора зайтун бериб кетган мой.

Сутчой пишар, гоҳи тўкилар,
Гоҳ мушукка ем бўлар қаймоқ.
Энди менинг қулгумни излаб,
Кулукча ҳам тушади чакмоқ.

Арк бошида яна қулоқ йўқ,
Заргаронда қўриқчи каптар.
Тахта кўприк нам тортиб ҳар тун,
Юрагимда исиниб ухлар.

Онам кетди, кузга қўшилиб,
Уймоқ мисол нола тортиди най.
“Юлғунмозор чумқўқларини
Энди ким ҳам боқарди Сиздай?”

ҲАСИ

Май сувратини кийди жийдазор,
Сариқ япроқ ранги — тарози.
Токзорларини хумда ўлчади,
Булутларнинг чакмоқфеъл ноzi.

Ёмғир ҳиди чиқди ғалвирдан,
Майизқоқлар бўйзор, пахлавон.
Айни кузак ниначи қолиб,
Кушлар излаб кетдилар чопон.

Бесаранжом тебранди терак,
Гулсупурги уруғи мўл-қўл.
Ярим тунда овидан қайтган
Кирпичалар яктаклари ҳўл.

Лойшувоқ том боши саргарди,
Девор ювиб чатради кузак.
Қиш ҳам ўтар... Дайдиаш қушлар
Биздан сал-пал уялса керак...

И. РАЖАБОВА 1956 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетида тахсил олган. “Осмондаги фаришта”, “Бухорода гужум гуллади”, “Куш киприги” каби ўнга яқин шеърли китоблари чоп этилган.

ларда йилки, кўй-эчкилар подаси ўтлаб юрган, яккам-дуккам, замонавий уйлар қад кўтарайтган тоғ йўллари оралаб кетдик. Ўразбеков, Қулду, Ондруш овуллари, сийрак арчали баланд-паст тоғларни, кичик Айдаркен (Ҳайдаркен) шаҳарчасини, жийдалари гарқ пишган, аҳолиси нисбатан гавжумроқ кейинги овуллари ортда қолдириб, чошгоҳча 100 қақиримга яқин масофани босиб қўйдик. Бундан бир неча кун муқаддам қирғизистонлик ҳукумат ва ҳуқуқий органлар, жамоатчилик вакиллари билан иборат катта делегациянинг Ўзбекистонга (Андижонга) дўстона ташрифи муносабати билан расмийликлар анча енгиллашгани боис, кейинги чегара-постларда ҳам музтарлиқлар қарийб юз бермади ҳисоб. Бирлик овул постидан Фарғона вилоятига тегишли Сўх туманининг дастлабки қишлоғи — Чашмага ўтдик. Туман марказигача тахминан 20 қақирим эди. Ҳокимият олдида бизни ташрифимиздан хабардор (Зокиржон ака огоҳ қилиб қўйган экан) сўхликлар — туман ҳокимлигининг вакиллари Абдишукур Тўрабоев, Фаррух Эрназаровлар қарши олишиб, Хушёр сари бошлаб кетишди.

Марказдан саккиз қақирим фарбдаги қишлоқ ўртасида жойлашган Бобур номидаги 14-ўрта мактаб ҳовлисида бизни мактаб ўқитувчилари, Себзор, Қақир маҳаллалари фаоллари, ўқувчилар гуллар билан кутиб туришган экан. Бино пештоқини эгаллаган инглиз, ўзбек, тожик тилларидаги “Хуш келибсиз” каломининг ўзиёқ кишида илиқлик уйғотар, эшик билан ёнма-ён деворга чизилган икки халқнинг икки буюқ фарзанди — Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг йи-

Қамчибек КЕНЖА

БОБУР ХУШЁРДА

рик пландаги суратлари остига эса ёру биродарлик ҳақида байт битилган эди.

Мактаб йўлига киришнингиз билан ўнг томон девордаги дид билан жиҳозланган “Бобур ва Хушёр” кўргазмалари бурчаги — Бобур Мирзо ҳақидаги китоблар, қишлоқ табиатига оид суратлар ва бошқа ашёлар билан ўзига жалб этарди.

Ички фойедаги табиат музейи эса бизни янада ҳайратга солди. Ундаги бургут, боша (лочин), лайлак, хумо, қаргас, бойўғли, Америка ўлаксайўри, қакликлар, бўри, силвосин, чиябўри, сугур, қашқалдоқ, тулки, жайра, бугу, тоғ эчкиси — архар ва бошқа ҳайвон, паррандаларнинг тулуплари, қовун, ҳандалак ва яна бошқа шакл, турли рангдаги йирик ҳажмли ғаройиб тошлар яқин ва узоқ ўтмишларни эслатиб, Хушёрнинг икки минг йиллик тарихидан ҳикоя қиларди гўё.

— Булар бир замонлар Бобур Мирзо ов қилган жойлардан — Туркистон, Олой тоғ тизмалари, Сандал тоғи ёнбағирларидан тутилган жониворлар намуналари, Сўх дарёси ўзанидан мактаб ўқувчилари топган, табиатнинг ўзи турлича безак берган антиқа тошлардир, — дейди мактабнинг биология муаллими, мазкур музей ташкилотчиси, халқ маорифи аълочиси Бахтиёр Холов.

Мактаб директори хонасидаги танишув-таништирувлардан сўнг Зокиржон ака асосий мўддага ўтиб, Бобур халқаро илмий экспедициясининг Хушёрга қилган сафаридан кўзда тутилган мақсад ва режалар, яъни халқимизнинг буюқ намоёндаларидан бири бўлмиш Заҳириддин Муҳаммад Бобур пойқадами етган, яшаган макон-манзилларни, унинг бой меросини янада яхшироқ ўрганиш борасида хушёрликлар билан ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик қилиш учун шу ерда Бобур халқаро жамоат фондининг бўлимини очиб зарурати борлиги тўғрисида сўзлади.

Сўх туман ҳокимлиги вакили Абдушукур Тўрабоев, мактаб директори Садриддин Абдурахмонов, илмий бўлим мудир Дониёр Ҳақимов, Бобур Мирзонинг ашаддий ихлосмандларидан Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Муҳаммадхон Пўлатов, Илёс Олимов, тарих, мусиқа муаллими, ўз замонида Тожикистон маданият вазирилигида ишлаган нуруний оқсоқол Султонали Болтабоев, физика-математика ўқитувчиси Фафуржон Сангинов ва бошқалар билдирган фикр-мулоҳазалар, таклифлар асосида Бобур халқаро жамоат фондининг Фарғона вилояти бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари ва аъзолари сайланди.

Кейин директор ҳаммани мактабдан 400-500 метрлар чамаси наридаги яланглик томон бошлади. У жойга янги мевали кўчатлар экилган экан.

— Бу ташландиқ ер эди. Бог яратиб, унга Бобур номини бермоқчимиз, — деди Садриддин Абдурахмонов. — Тўғри, сув масаласи анча қийин. Лекин амаллаймиз. Хар бир түп кўчатга биттадан ўқувчини бириктириб қўйдик. Мактабда 900 дан ортиқ ўқувчи бор. Қўлда сув қуйиб бўлса ҳам меваларни кўкартира-миз, деб ваъда беришди.

Бобур халқаро илмий экспедицияси аъзоси, табиатшунос олим З.Мамарасулов боғ яратиб ва парвартиллаш борасидаги ўз тажрибалари, маслаҳатлари билан ўртоқлашди.

Директорнинг таклифи билан биз — меҳмонлар ҳам янги боқча яхши ният билан бир тупдан олма кўчати эдик, боғнинг келажа-

гига умид билдирдик, хайрли ташаббус эгаларининг ишларига ривож тиладик.

Сўх тумани ҳокимлиги ҳамда Фарғона вилояти сув таъминоти хўжалиги жамоасининг Мирзо Бобурга бўлган ҳурмати, эътибори туфайли, жаҳонга машҳур шоҳ ва шоир номи билан аталмиш боғни оқин сув билан таъминлаш чораларини кўришларига ишончимиз комил.

Мулоқот-анжуман тadbиркор Аъламжон Ибрагимовнинг қаровсиз ерни ўзлаштириб қурган, жанубдаги Сандал тоғининг қарама-қарши тарафига қад кўтарган ҳусусий чойхонасида, чой устида янада кенгрок мавзуларда, янада эркинрок тарзда, янада қизгин давом этди.

Мезбонлар завқ-шавқ билан сўзлашар, ҳатто ўзаро баҳслашиб қолишарди. Айниқса, қишлоқлари тарихи ҳақида гап очилганда жўшиб кетишарди.

Хушёр деган шоирона номнинг пайдо бўлиши борасида ҳамқишлоқларнинг қарашини, маълумотлари ҳар хил эди. Хушёр тарихи, Бобур Мирзо ҳаёти ва ижодининг ишқибози марҳум Воҳиджон Олимовнинг ўғли, падари бузруквори қизиқишларининг давомчиси Илёсжон Олимовнинг айтишича, қишлоқнинг уч чеккасида уч ёр — жар бўлиб, сел келадиган маҳалларда ўша жарлардан хушёр бўлиш керак, деган гап кейин атамага айланиб кетган.

— Йўқ, уч жар деган гапнинг илмий асоси йўқ, — дейди собик тил-адабиёт муаллими, 87 ёшли Беғали Бўритаев. Тожикистон маориф вазирилигида ҳам турли вазибаларда фаолият кўрсатган бу отахоннинг Хушёр атрофидаги тоғлар ва тоғ оралиқларидаги

йўллар, тоғ табиати ҳусусида мароқ билан гапиришни хуш кўришни сезилиб турарди. — Қишлоққа сел келиб туриши тўғри, лекин у чор атрофдаги тоғлар томондан келади. Хава айниган маҳалда махсус тайинланган одам отда маҳаллаларни айланиб, сел келяпти, хушёр бўлинглар, деб аҳолини огоҳлантириб юраркан. Хушёр номи ана шундан келиб чиққан.

— Яна бошқа фараз ҳам бор, — дейди Илёс домла ўз сўзини ўтказишга ҳаракат қилиб. — Қишлоғимизга араблар, Чингизхон аскарлари бир неча бор ҳужум қилишган, лекин забт этишолмаган, аксинча, бу ерда катта талафот кўришган, шунинг учун улар бу



қишлоқдан эҳтиёт бўлиш, хушёр бўлиш керак экан, деб кетишган экан.

Даврада ўтирганлардан яна бири Хушёр номини Заҳириддин Муҳаммад Бобур билан боғлади.

Бу ерга шоҳона сарполи Бобур яқинлашиб келганида уни қўриб қолган бир овчи зудлик билан “Подшо келяпти, подшо келяпти” деб ҳамқишлоқларига хабар берган, қишлоқ вакиллари мўътабар меҳмон йўлига пешвоз чиқиб, уни тавозе билан кутиб олишган, шунда Бобур Мирзо “Хушёр одамлар экан” дея баҳо берган экан.

Шу гап муносабати билан мавзу йўналиши бир оз ўзгарди.

— Бобурга бу қишлоқ ва унинг одамлари жуда ёқиб қолган, — дейди Беғмат бобо тўлкинлашиб, — шунинг учун бу ерда узоқ — бир йилча қолиб кетган. У қишлоқ йигитларига қурашни, қиличбозлик ва бошқа ҳунарларни ўргатган. Тоғли йигитлар қайир, эпчил бўлишган, шунинг учун Бобур улардан бир қанчасини ўзи билан бирга Қобулга олиб кетган.

— Садоқат билан хизмат қилишгани сабабли Бобур уларни Ҳиндистонга ҳам олиб кетган. Ҳозир ҳам Ҳиндистонда хушёрликлар яшайдиган маҳаллалар бор экан, — қўшимча-лади тарихчи муаллим, кўнгиз мўйловли Ҳайитбой Иброҳимов. У шу қадар жиддий билан гапирардики, сал қолди ҳаммани буюқ Маҳатма Гандининг ҳам хушёрликлардан эканига ишонтириб юборишига.

Зокиржон ака мунозарани давом эттирар экан, Бобур Мирзо “Бобурнома”ни Хушёрда ёза бошлаган бўлиши керак, чунки бу ердаги бир йиллик нисбатан осейишталик даврида ижод билан шуғулланиш, атроф-муҳитни, наботот ва ҳайвонот оламини ўрганиш учун етарлича имконияти бўлган, деган фикрга алоҳида урғу берди.

Шунингдек, Бобур Мирзонинг Сўх дарёси атрофида жойлашган Тул қишлоғи яқинидаги — тоғ тепасидаги “Санги ойна”га алоҳида эътибор қаратгани, у жойдаги бўлоқ сувидан юз-қўлини ювиб, шу гўзал тоғ оралиқларидан оқиб келаётган шўх дарёга кўприк қурганлиги, у ҳозир ҳам Бобур кўприги деган ном билан машҳурлиги кўпчилик зиёлилар ва маҳаллий аҳолига яхши маълум.

Бобур назари тушган “Санги ойна” бугунги кунда зиёратгоҳга айланган. Бу Тош ойна ҳақида Бобур шундай ёзади:

“Исфаранинг бир шаръисидан жануб сори пушталарнинг орасида бир парча тош тушбур, “Санги ойна” дерлар, узунлиги тахминан ўн қари бўлғай, баландлиги баъзи ери киши бўйи, пастлиги, баъзи ери кишининг белича бўлғай, ойнадек ҳар нима муъякис бўлур”.

Бобур Мирзо даврида Хушёр — Сўх атрофидаги ноҳия, қишлоқлар — Исфара, Ҳўжанд, Ўратепа, Боткент, Қадамжой, Зарафшон дарёсининг юқори қисми — ҳозирги Гончи районидидаги Боло, Овчи, Оббурдон, Дахжат, Матчо, Ворух қишлоқлари Фарғона ҳудудига кирган, у ерларда шахзода Бобур кўп маротаба бўлган. Шунинг учун ҳам Бобурбурчак, Қоровул тепа, Бобур кўприги, Бобур намозгоҳи, Тахти Бобур (япалоқ тош), Бобур битиклар ёзган бир неча катта тош таърифи халқ орасида тилдан-тилга ўтиб, асрлар оша бизгача етиб келган.

Бу жойларнинг гўзал табиати, хуш ҳавоси, ер ости-усти бойликлари давримизнинг машҳур алломалари — академик Иброҳим Ҳамрабоев, давлат арбоби Нуриддин Муҳиддинов, Ўзбекистон халқ ҳофиси Ориф Алимасхумовларнинг ҳам эътиборини тортган. Улар ушбу онқадар чиройли ўлкаларни зиёрат қилган ва ўрганганлар.

— Бобур Хушёрда яшаганида кунлик хотираларини ёзиб борган экан. Мен буни қайси тир бир манбада ўқиганман. Афсуски, ўша хотиралар қандайдир қисман йўқолиб кетган, — дейди Беғмат бобо юқоридаги фикрларни тасдиқлаб.

Умуман хушёрлик ўқитувчи ва қишлоқ фаолларининг дунёқарашлари, қизиқиш, билим доираларининг кенглиги, ўз масканларини яхши билишлари ва у билан гурурланишлари ҳавас қилгулик эди. Улар, ҳатто Сандал тоғи ортидаги горларда ибтидоий одамлар яшашганини ҳам фахр билан таъкидлашарди. Биз учун яна бир муҳим жиҳати — хушёрликлар Бобур Мирзо ҳаёти ва ижоди билан яхши таниш, уни худди ўз ҳамюртларидек кўришар, юксак қадрлашарди.

Сўхбат тобора қизиқиб борар, мезбонлар гап орасида уч минг гектар ер майдонида (кичирок бир туман ҳудудига тенг) ва саккиз минг аҳолига эга бўлган Хушёрда буғдой, маккажўҳоридан мўл ҳосил олинишини, айниқса, бу жойнинг картошқаси донги узоқларга ҳам таралгани, қарийб икки минг гектар ердаги навлари ранг-баранг ўрикзор олмазорларнинг таърифини ҳам қистириб ўтишарди.

Биз жануб томондаги тоғлик жойларга хос манзаралар — рельефи но-текис, аммо ўрмонсимон, япроқлари олтин рангга дўна бошлаган дарактзорлардан, дам у, дам бу ёқдан эсаётган шабада қанотлари хайдаб келаётган тоза, енгил ҳаводан олаётган ҳузурларимизни изхор этардик.

— Янаям, қишлоғимиз манзараси аввалгичалик эмас, уч-тўрт йилдан бери сув, ўтин-қўмир муаммолари юзга келиб, анча-мунча мевали ва манзарали дарактларни кесиб ташлашга мажбур бўляпмиз, — деди Муҳаммадхон ака бош чайқаб.

Самимий, одамхон кишилар билан мулоқот чиндан ҳам мароқли эди, биз уларни тинглаб зерикмасдик. Лекин афсуски, кун оғиб, сафаримиз қарий бошлаганини эслатарди. Дийдорлашувдан кўзлари қиймаётган мезбонлар бизни худди азалий қондошларимиз каби катта кўчагача кузатиб чиқишди ва яна кўришиш, муносабатларни янада қулоқлаштириш иштиёқини билдириб, хайрлашиб қолишди.

Шундай қилиб, Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг қисқа муддатли сафари ниҳоясига етди. Биз кунимизнинг кутганимиздан-да самарали, мазмунли ўтганидан, янги дўсту қадрдонлар, ҳаммаслақлар орттирганимиздан гоғтада мамнун эдик.

Хушёрликларнинг андижонлик моҳир саркарда, ўзбек муомтоз шеъррати ва мемуарчиликка бекиёқ хисса қўшган мутафаккир шоир, қомусий олимга ихлоси ва эҳтиромини, меҳмондўстлиги ва дилқашлигини юксак қадрлаган Зокиржон Машрабов халқаро жамоат фонди номидан уларнинг мактабига Бобур Мирзо бюстини тайёрлатиб беришни ваъда қилди.



Шоҳимардон, Олмос, Гуркуров каби қишлоқларда бўлган киши Хизр бобонинг чеккароқ жойларда юриши рост шекилли-да, деган хулосага келиши тайин. Ушбу рўйхатга мен ҳеч иккиланмасдан Хушёр қишлоғини ҳам қўшган бўлардим. Назаримда, мазкур жойларга нафақат Хизр бобо, балки Аллоҳ ҳам назар қилганга ўхшайди: табиати беназир, тупроғи унмодор, мевалари серҳосил, одамлари омадли, фикрчан, ўқувли, ўқувли... Ҳар қалай, Хушёр қишлоғида бўлганимда менда шундай тасаввур уйғонди. Айтишларича, Балтика қўлидан 1350 метр, Фарғона шаҳридан 415 метр баландликда жойлашган бу қишлоқ бўйи 2200 метрли қўйи Сандал (текис деган маънода), Айлоқи назар ва бошқа тоғлар билан ўралган бўлиб, иклими, табиати ўзига хос сўлим бир гўшадир. Зеро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ота мерос салтанати ва жонажон ватани Андижоннинг ганимларга ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган ва Қобулни кўзлаб йўлга чиққан кезлари Хушёрда бир йилга яқин умргузаронлик қилгани ҳам бежиз эмас эди. Гарчи, “Бобурнома”да Хушёр ҳақида камрок маълумот бўлса-да (балки муаллиф асарнинг йўқолган қисмларида мазкур қўналга тўғрисида батафсилроқ тўхталганмикин?), хушаволи қишлоқ ва унинг очикқўнғил кишилари мусофирлик, саргардонлик гурбати чекига барвақт тушган гамдида шахзода ва шоирга маъқул келиб қолганлиги шубҳасиз. Шунингдек, Хушёр стратегик жиҳатдан ҳам қўлай бир макон эди. Бобур бу ердан чор-атрофга махсус чопарлар юбориб, бутун Фарғона мулкида бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб турган. “Бобурнома”да шундай битиклар бор: “Исфара вилояти тўрт бўлук қўхоядир: бир Исфара, яна бир Ворух, яна бир Сўх, яна бир Хушёр...”, “...Сўх била Хушёр-қўхояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўткариб, Қобул азимати қилдим”. Демак, Бобур

Ўзбек драматургиясида тарихий мавзуга оид асарлар бармоқ билан санарли. Борлари ҳам забардаст ижодкорлар қаламига мансуб. Фитратнинг “Абулфайзхон”, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек”, Уйғун билан Иzzат Султоннинг “Алишер Навоий” асарларини санаш мумкин. Биз бу ерда бир китобхон сифатида таниқли шоир Иқбол Мирзонинг “Самарқанд сайқали” драмаси (“Шарқ юлдузи”, 2016 йил 3-сон) ҳақидаги фикрларимизни қоғозга туширдик.

Ҳазрат Навоийнинг ижоди, ҳаёти сир-синоатларга тўла. Бобокалонимиз ҳақидаги бадий асарлар орасида “Самарқанд сайқали” драмаси вақт камрови жуда торлигига (4 йил), ўрганилганлигига кўра манбаси оз бўлган даврни акс эттирган асар сифатида ҳам қадр-лидир.

Улуғ шоир аини йигитлик чоғида, умрининг энг зиддиятли даврларидан бирида Самарқандда истикомат қилган. Бу давр Алишер Навоий ҳаётида қандай аҳамият касб этгани ўқувчини кизиқтиради. Бу саволга бадий жавоб ҳозиргача йўқ эди. Иқбол Мирзо бу саволга ватанпарвар шоир сифатида ёндашгани муҳим.

НАВОЙ ВА САМАРҚАНД

Табиийки, дунёвий нотинчликларнинг драматург руҳига таъсири ўтмиш воқеалари ифодасида ҳам билиниб туради:

Балон нафе боис Қобил ва Ҳобил
Бир-бирин жонига қасд қилган чоғдан
Мерос бўлиб қолган дашнати иллат
Кутку солаверар гумроҳ қалбларга.
Наҳот, англамайди бани одамод,
Уруш — бу, аслида, ўз жонингга қасд,
Ҳолилик йўқ булда, музаффарлик йўқ.

Драма ўзаро низолар: оға-ини, қон-қариндош, дўст-ёрлар, қўйингки, инсонлар орасидаги низоларга, аввало, урушга қарши исён сифатида юзага келган. Ахир, Алишер Навоий даврида нотинч Хуросон ва Хирот урушлардан озурда маскан эди. Бу ҳол Иқбол Мирзо қалбини ҳам озорлагани рост.

Алишербек:

Ҳа, бу жон ташвиши, мол ташвишмас,
Хуросон элида қиёмат кўпти...
Қайдадир ҳузурбахш боли саболар?
Қайдадир ишакдек сирғалган насим?

Драматург ҳазрат тилидан уруш ифодасини бераркан, шу ҳолатда ҳам шоирнинг руҳи табиатга, эзгуликка ошно эканини ифода этади. Шундай гўзалликнинг ёви уруш эканини акс эттириш билан уруш ва тинчлик зиддиятларини ёрқинроқ ифодалаганга эришади. Навоий тилидан инсониятнинг асрий дардлари ошкор этилади:

Урушнинг биринчи душмани — она,
Урушнинг биринчи қурбони — меҳр.

Айни шу жойда “Ғаройиб ус-сиғар”нинг 412-ғазалидан байт келтирилади. Халқимизга ёд бўлиб кетган “топмадми” радифик ғазалдан келтирилган байтлар шоир руҳиятини очиб беришга хизмат қилган.

Драма Навоий монологи билан бошланади. Унда ҳазратга хос тафаккур тарзи ортида бугуннинг оғриқли дардлари юз кўрсатиб қолган:

Нечун одамиймас одам боласи,
Нечун бир-бирининг қонига ташна?
Азиз ва муқаррам яралмиш банд
Нечун Тангринингмас, нафсининг кули?
Қачон осойишта бўлғай ер юзи?
Қачон тингтай афғон, қачон тингтай дод?

Драма шоирнинг Самарқандга оёқ босиши ва фирдақсмонанд шаҳарга ҳайрат, беқиёс меҳр билан боқиши асосида бошланади. Китобхон қуйидаги жумлаларни эсламай иложи йўқ: “Билмон, не жарима била Султон Абусаид Мирзо Ҳирийдин ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандта эди. Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди. Алишербекнинг мизожини нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг гуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур”. Мирзо Бобурнинг бу фикрлари Алишербек — Навоий сиймосини тўғри қабул қилишимизга имкон беради. Асарни ўқий болашимиз билан бизни бир савол қийнайди: “Мусофир тарзда ўқис кўнгил билан кириб келган Алишербекни Самарқанд остонасида ким қай тахлит кутиб олган экан?”. Бу саволга ҳаёлий жавоб борми? Драматург ҳаёлан ўша асрда туриб ўзига хос йўл тутди: Мўсафид

образи яратади. Мўсафид дастлаб нотаниш меҳмон билан шунчаки суҳбатлашгандай кўринади. Драматург сал кейинроқ китобхонга Мўсафид аслида шоирни кутиб олишга чиққан улўғ мезбон эканини ошкор қилади:

Мўсафид:

Сизни ҳам танидим шу байтлар боис,
Сизни фарзандим деб билар Самарқанд.
Сизни шоирим деб улўғлайди эл,
Хуш кўрдик, марҳабо, ўғлим Алишер!

Китобхон Мўсафидни Самарқанд тимсоли ёки улўғ шаҳар пирларининг улўғи, бал-



Саҳнада уч сипоҳнинг пайдо бўлиши, улар орасидаги Соҳиб Сиддиқ нутқи Алишербек умрига қасд этувчи қучлар борлигини кўрсатади. Аслида бу ҳол инсоният бор экан, гўё одадий ҳол. Шоир умрига қасд қилишни ният айлаганлар борлиги драманинг тугунидир. Соҳиб Сиддиқ — исмининг зидди. “Сидқ, содиқлик соҳиби” маъносини берувчи исми кўтарилган юрган бу кимса ва унинг сипоҳлари драма охиригача шоирни таъқиб этадилар. Дастлаб драматург барчаннинг ҳам исми жисмига монанд бўлавермайди, демоқчи деб ўйлади. Сўнг буни бошқача ҳам изоҳлаш мумкинлигини англади. Соҳиб Сиддиқ — садоқат соҳиби, фақат у ёвузликка сидқидилдан хизмат қилади. У жаҳолатга содиқдир. Икки ҳолатда ҳам драматург танлаган исмдан ризо бўлди. Сабаби, содиқлик фақат ижобийлик касб этавермаслигини, кимга, нимага содиқлик муҳимлигини ўйлаб кўрдик.

Ҳар ким ўзича ҳақ, ўзича тўғри,
Ҳар кимса улҳар ўз қарини билан.
Иблисининг ердаги соясман мен,
Менинг ҳам вазифам, бурчим бор аён.

Драматург ўқинч билан хиёнаткорнинг “минг шаклда, минг қиёфада”, “гоҳ дўст”, “гоҳида улфат, гоҳи шогирд, гоҳи ҳамсола, гоҳи табиб, гоҳида ҳабиб тимсолида йўлдош” бўлишини айтиб, китобхонни хушёрликка чорлайди. Яна бир жўлаб шуки, Соҳиб Сиддиқ ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, Сиддин фармони бажаради. Алишербекни ўлдиришга шайланиб турган бу сипоҳ Хиротдан

келган фармон ўзгариши билан буқаламун қиёфасини англайди:

Соҳиб Сиддиқ:

Шерпанжа шахзода Султон Ҳусайн
Эгалламин Ҳирот тоғу тахтини,
Муборак бўлсин бу музаффарият!
Дўстингиз чорламин сизни ёнига.

Драматург асар бошидан ҳазратни кузатиб юрган шарпаннинг Соҳиб Сиддиқ қиёфасида намоён бўлишини ва бир лаҳзада бошқача сайраганини китобхонга ошкор этиш билан бу образнинг моҳиятини очиб беради. Асардаги тугунлардан бири ечилиди.

Драманинг тарихийлигини таъминлаб турган образлар Аҳмад Ҳожибек, Абу Лайс Самарқандий, Давлатшоҳ

Самарқандий кабилар ва уларнинг асардаги ўрни тўғри белгилаб берилган. Шоирлар баҳси, унда тилга муносабат масаласи ҳам ўзига хос тарзда акс эттирилган. Навоий тилидан айтилган шеър санъати, унинг ифодали ўқилиши ҳақидаги мантиқли мулоҳазаларнинг чиройли оҳангда ифодалангани драманинг ўзига хослигини далиллайди. Навоий тилидан сўзлаш ўта масъулиятли вазифаки, муаллиф буни урдадан олган.

“Тўртинчи кўриниш”да Абу Лайс Самарқандийнинг қизи ва жияни Ферузанинг суҳбати берилган. Бизнингча, бу икки образ бизни улўғ шоир муҳаббати томон етаклайди. Бу драмага ҳам ўзбек адабиётида ҳазрат ишқи ифодаланган асарлар бор эди. Улуғлик фақат илоҳий неъмат бўлмай, ирода, поклик, сабр-қаноат каби инсоний туйғулар камолоти эканига ёш авлоднинг ишониши ҳам жуда муҳим. Асар бобокалонимизнинг муҳаббати ҳақида бизга сўзлар экан, ёшларга шарқона туйғулардан сабоқ бера олгани билан аҳамиятлидир.

Драмада инсон табиатидаги улўғлик ва унга қарама-қарши ўлароқ тубанлик ифода этилар экан, инсон ҳисларининг улўғи бўлиши муҳаббат ҳақида ҳам сўз боради. Шу ўринда ҳазратнинг иқдорини келтирсак: “Навоий, сўзини шу ерда тўхтатгил, иш аро кўп давъолар изҳор қилмагил. Агар умримдан бир неча кун омонлик топсам, ишқим шарқини назмга солиб, бир дoston ёзайин. Шунда сўзимнинг чинлиги ёки лоф эканлиги инсофли кишига аққол билинади”(Алишер Навоий. Лисон ут-тайр(Қуш тили) Насрий баён муаллифи: Ш.Шарипов. — Т., 1984). Кўринадики, “Лисон ут-тайр”да ҳазрат номурад муҳаббатлари ҳақида ёзмоқчи эканликларини айтади. Иқбол Мирзо шоир иқдоридан келиб чиқиб ҳазрат муҳаббатини, ақс эттиради.

Драмада шоир ишқи ҳақида гапирилиши табиий. Ҳазратнинг улўғ ишқига ноил қизнинг самарқандлик бўлиб чиқиши эҳтимол. Ишқи тушган қизнинг устозга фарзандлиги Навоийнинг оила қуриш орзусига монелик қилган деб ифодалашу драматургнинг масалага ўзига хос ёндашувидир. Фақат устознинг ўз жиянини шогирд фарзандига лойиқ билиши муҳаббат ҳақидаги сюжетга кулминацион нуқта бўлар экан, ечим маъхум қолган, бизнингча. Драматург бу масалани ишоралар билан бўлса-да ечилиш зарурдек. Муҳаббат тасвири ўзбекона. Шоир ва қиз суҳбатининг ошқора эмас, ҳаёлан бўлгандай туюлиши ҳам драматург ютуғидир.

Яна бир фикр: Мирзобек — драматургнинг ўзи, тушунишимизча. Бу образ Навоий асри ва бугун орасидаги боғлиқлиқни таъминлаб турибди. Эҳтимол, драма охиридаги ақунловчи сатрларни Мирзобек тилидан Навоийга нисбатан айтиштири янада тўғрироқ бўлар деб ўйлади.

Иқбол Мирзо драматургияга илк қадами тарихий драма билан бошлади. Шоирнинг қалам кучи, иқтидори бу жиддий қадамнинг хайрли эканини кўрсатди. Етуқ асарлар илк бор эълон қилинган экан, китобхон ва мунаққид назаридан ўтгач, яна бир бор ижодкорнинг ўз назаридан ҳам ўтган. Шеърят билан эл кўнглини топган шоир драматург сифатида ҳам хали кўп бор қалам суришига ишонамиз. Фақат “Самарқанд сайқали” драмасини кўлга олиб, Навоий даҳоси билан юзма-юз тарзда асарни кўнгил кўзидан яна бир қарра ўтказсалар, у сайқал топарди.

Лайло ШАРИПОВА,

Бухоро давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси, филология фанлари номзоди

ИНСОНИЙЛИК ИСТЕЪДОДИ

“Тонгда чинқириб чақалоқ дунёга келди. Унинг танглайини кўтариб, қулоғига азон айтаётган қария аста пичирлади: “Риққли, насибили, ота-онали, меҳр-оқибатли бўлсин, сугига эга қилсин...”

...Бутун умри ва ижоди давомида инсоний меҳрни мадҳ этган, аввало, ўзлари ана шундай меҳрли, меҳрибон, меҳрпарвар инсон бўлган падари бузрукворимизнинг оилада фарзандларига бўлган меҳр-мурувватлари, оқибат, самимиятларидан бизда инсонга муҳаббат бошланган бўлса ажабмас. Бизнинг қонимиз, жонимизни шунчалар туганмас поклик, ҳалоллик, инсоний муҳаббат билан сөрб қилиб кетдиларки, токи руҳимиздаги бу покизалик фарзандларимизга ҳам ўтгувсидир.

Отамиз, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийнинг кундалик дафтар тутиш одатлари бор эди. Қуйида шу ён дафтарларидан айрим қайдарни келтирмоқчи истайдик.

Шундай бисот орттирсангки(адабий бисотда), кексайганимда титқилаб ўтириб, кўзинг қувонса, руҳинг яйраса, умринг беҳуда ўтмаганидан мамнун бўлсан — шунинг ўзи яшартирса, қаритмаса керак.

Инсон ҳиссиётининг кучи масофани ҳам, вақтни ҳам ҳисобга олмайдди, билмайдди.

Дунёда зар билан ҳам, зўр билан ҳам эришиб бўлмайдиган нарсас бор — муҳаббат, бўса!

Инсон ҳамма нарсасга кўника, мослаша олади. Унинг кучи ҳам шунда. Шу билан бирга ожизлиги ҳам.

Жамият, эл-юрт ёзувчига ўзининг эзгу ниятлари, улкан муаммолари ва буларни бадий сўз воситаси ила ечишни ишониб топшириб қўяди, энг муҳими шуки, инсонлар маънавиятини ҳам топшириб қўяди. Буниси, нима деса бўлади, энг мураккаб оламки, унинг ичига кириш, ўрганиш, ҳис этиш осон ишмас.

Ёшларга насихат қилиш билан иш битмайди. Бунинг таъсири бўлмайди. Уларга кўрсатиб, ушлатиб, эшиттириб таъсир қилиш, далиллар билан ёндашиш лозим.

Биз, эркаклар, табиатимизда, ҳуққимизда, одобимизда нимаики яхши фазилатлар бўлса, жамини аёллардан олганмиз, меҳрларини билан йўрғаклаб, муҳаббатлари билан вояга етказганмиз. Шу туфайли умр бўйи аёлга таъзимда бўлсак арзийди.

Яхшики эртанги кунга қиладиган ишим бор... Бугунги кундан ҳам маннуман, ҳам шунинг учун миннатдорманки, эртанги кунга иш қолдирди. Хай, хай, эртага нима қиламан дейишдан асрасин.

Бировга чоҳ қазиганинг зарпечакдан нима фарқи бор? Зарпечак бегона тана, илдиждан ўсиб, уни қурилади, натижада ўзи ҳам қурилади.

Ваъда берилган жойга вақтида бормаган одам ўз қадрини кеткази.

Сўз, тил, муомалага нега эътибор бермаймиз. “Лааббай” билан ёнма-ён “Бор-ей”, “Ҳа-ей”, “Нима-ей” қачон, қаерда туғилади. Мактабда тил дарси ўтадию, тил қодаларидан нарга ўтилмайди. Тил одоби, тил муомаласи дарси бўлиб ўтмайди... Нега ширин тил дарси ва тил тарбияси бўлмаслиги керак... Оғиздан чиқаётган сўз маъносини, моҳиятини, оҳангини, жозибасини ҳам, сеҳрини ҳам бола сезиб туриши керак. Янги сўз — янги дунёдек, янги ихтиродек бўлмоғи, маъноси ҳам, салмоғи ҳам, муסיқийлиги ҳам янги бир олам очмоғи кераки, то умр охиригача шу сўз унга руҳий мадад, илҳом берсин, хожати ҳам, чиқарсин, гўзаллиги билан, муסיқийлиги билан эшитганларини ўзига ром қилсин, одамлар ҳавасини келтирсин, уларни хушнуд этсин. Бу катта санъат, аммо оммавий санъат бўлмоғи лозим.

Истеъдод фақат касб-кор, ҳунар, билимда-



гина эмас, инсонийликда намоён бўлади. Инсоний истеъдоди бор одамда олижаноб ҳислат, фазилатлар, қадр-қиммат бўлса не бахт.

Китобхон мени унутсаю, қаҳрамоним номини эслаб қолса, ўзимни бахтиёр ҳисоблардим.

Аёллар! Уларнинг буюклиги, куч-қудрати нозиклигидан, меҳри дарёси қайноқ қалбида, бахт-саодати табассумида, меҳр-вафоси ўтли нигоҳида.

Кўнгил қолиши — чиққан жон билан тенг.

Етимга йиғини ўргатишнинг ҳожати йўқ.

Инсон икки нарсасга тўймайди — меҳр ва висолга.

Чўққига — ҳаёт чўққисига чиқишнинг қайтиши ҳам бўлади. Аммо паства тушаркансан бир умр нимага юқориға кўтарилганига афсусланмасанг бўлгани.

Дард чекмай яратилган асар — чала чақалоқ, чала жоннинг ўзи бўлади. Одам бўлиши амри маҳол.

Бахтинг боғини биров бахтсизлиги ариғидан сўғараётган бўлсан — бундай боғнинг бахридан ўтганин маъқулқордир.

Ёзувчилик қанақа касб деб сўралса, шундай жавоб қилардим: ҳажжон ва беҳаловатлик — тиним бермайдиган бедаво дард. Аммо зинҳор юқумли эмас, бировга юқмайди. Давоси битта. Меҳнат! Бу шундай дорики, ҳамма-вақт истеъмола қилиб турилса, соғ-тетиқ бўлади, сал бўшаптирса, беморни ҳам бўшаширади, аммо қабргача ҳамроҳ бўлиб борадию, беморни дафн этиб, ўзи қолади.

Менга нимадан хурсанд бўласиз, деб савол беришса:

— гўрқовнинг бозори қасод бўлганидан;
— китоб растасида китобхонлар кўпайганидан;
— обуна нашрларига одамларнинг саҳарлаб навбат олишганидан;
— дўхтирлар ишсиз қолганидан;
— туни бўйи чироқ ўчмаган, чақалоқ йиғиси тинмаган хонадондан;
— гулхан атрофида, палак тағида ёр-ёр, хонада тортишмачоқ, тонга яқин мудраган қудаларни кўрганимда... — дердим.

Дунёда ҳеч ким, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Фақат нигоҳингдаги жозибанинг харорати сўнишдан, совийишдан қўрқаман. Худо кўрсатмасин!

Қуёш таъми! Қуёшнинг ҳам таъми борми, дейсизми? Оҳо, бўлганда қандоқ! Унинг таъмини билимоқчи бўлсангиз, чарос, ҳусайнидан, шаробдан, асалдан, ақик анор донасию анжир...лардан татиб кўринг...

Дунё ташвишидан четда яшаган одамни бу куннинг одами демаса ҳам бўлади.

Умида ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

Бугун Сизга тақдим этилаётган қадимги ҳикматлар ўрта аср хитой адабиётининг энг муштов намуналаридан бири — “Илдизлар таъми” афоризмлар ва ўйлар мажмуасидан. Бу доно китобни XVI аср охири — XVII аср бошларида яшаб ижод этган Хун Цзичэн ёки Хун Инмин номлари билан маълум бўлган донишманд яратган. Адиб ҳикматларида ифодаланган фикрлар барча замонлар учун ҳам бирдек қимматлидир. Уларда инсоннинг эзгу ишлари, юксак фазилатлари улўғланади, қабиҳлик, мунофиқлик, ялтоқлик, ҳасадгўйлик сингари иллатлар қораланади.

Ўзи ҳаёт ҳақиқатини ардоқлаган одамга ҳаёт тутқич бермас лаҳза каби туюлади... Ҳақиқатнинг тағига етган одам ҳеч жойдан топиб бўлмайдиган нарсаларга зехи солади ҳамда ҳозирги шаклу шамоилини йўқотган, унинг қандай қиёфа касб этажиги ҳусусида ўйлайди. У лаҳзалар поғйасига рози бўлади ва абадиятнинг турғунлигини рад этади.

Олижаноб эрнинг ўй-хаёллари — осмон мусаффолиги ва қуёш нурига ўхшайди: сезмаслигининг иложи йўқ. Олижаноб эрнинг истеъдоди — қоядаги яшма ёҳуд дентиз қаъридаги марваридга ўхшайди: уни пайқаш осон эмас.

Ҳаётда кўпича ўзимиз эши-

Хун ЦЗИЧЭН

ҲИКМАТЛАР

тишни хоҳламайдиган нутқларни тинглашга ва ўзимизга ёқмаган ишлар билан шугулланишга тўғри келади, улар бизга роҳат-фароғат бағишламайди. Бирок фақат шу тахлитдагина химматингизни чарқалайдиган қайроқ-тошга эга бўлиш мумкин. Агар фақат қулоққа хуш ёқадиган гапларнигина тинглаб, фақат ёқимли ўйларнигина ўйлайдиган бўлсанг бутун умринг гўё сархушлик ичида ўтади.

Кутурган шамол шиддат билан эсиб, жала қуйиб турган пайтлар хайвонлар ва қушларга жабр. Қуёш чарақлаб, сарин

На нордон, на шўр, на аччиқ, на-да ширин таомда ҳақиқий таъм бор. Ҳақиқий таъм сезилмайди. На улўғ заковат, на ғаройиб истеъдод — олийҳимат одамнинг фазилатларини белгилайди. Чин фазилатларни дарров илғаб олиш қийин.

Осмон билан Ер абадиян

тинчдир, улар орасидаги бўшлиқ эса бирдам тинчлик билмайдди. Қуёш билан ой кундузию кечаси бир-бирининг кетидан қувишгани қувишган, вақт қаърида эса ҳеч нарсаси ўзгармайди. Шу боисдан олийҳиммат эр ором палларарида зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган нарсалар ҳақида ўйлаш керак, шошилиш талаб этиладиган онларда эса шошилмаган маъкул.

Яхшилиқ қиламан, деб аксар ҳолларда зиён етказиб қўйиш мумкин, бинобарин, яхшилиқ қилишдан аввал ҳаммасини обдон ўйла. Муваффақиятсизликлардан қўпича фойдали сабоқлар чиқариб олиш имкони бор, демакки, янглишилар ишининг ривожини учун энг яхши воситадир.

Кепак билан тирикчилик ўтказадиганлар орасида муздек тоза,

Гўл кўп, чаман кўп

яшмдек асл одамлар кўп. Аҳдар суварати солинган либос кийганлар кўп. Кимнингки ҳаёли пок бўлса, лаъззати луқмалардан ўзини тарта олиши лозим.

Мукофотлар борасида ўзгалардан олдинда бўлма. Эзгу ишларни рўёбга чиқаришда бошқалардан кейинда қолма. Ўзинга тегишлисидан зиёдаги қўлингни қўзма. Яхши ишларда ўз имконингдан камига қаноат этма.

Бу дунёда муваффақият қозо-

ниш учун ўзингни ўтга-чўққа ураверма. Адамаслиқнинг ўзи муваффақиятдир. Одамлардан меҳр-шафқат кутма. Кишиларнинг нафратига учрамаслиқнинг ўзи меҳр-шафқатдир.

Пасткаш кимсага дуч келганда уни силтаб ташлаш қийин эмас, лекин нафратингни яшириш мушкулдир. Олижаноб инсон билан учрашганда сертавозе бўлиш қийин эмас, лекин хушмуомала бўлиш мушкулдир.

Ўз хизматларинг ҳақида ўзгалар олдида эсламаслик керак. Ўз қилғилиқларинг ҳақида ўзгалар олдида эсламаслигинг мумкин эмас. Бошқалар ўзингга кўрсатган меҳр-шафқатни унутиб қўйиш мумкин эмас. Ўзингга ўтказилган аламларни эса ёддан чиқармаслик мумкин эмас.

Рус тилидан Маҳмуд САБДИЙ таржимаси.

РУХИЙ ПОКЛАНИШГА ДАЪВАТ

Юртимизда навбатдаги театр мавсуми бошланганига анча бўлди. Яқинда бўлиб ўтган премьералар ушбу мавсум ўзига хос янгиликларни тақдим этишидан дарак берди. Жумладан, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида улуг композитор Вердининг "Аида" операси янги талқинда сахна юзини кўрди.

"Дийдор" театр-студияси Пиримкул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" романи инсценировкасига мурожаат қилган бўлса, Ёшлар театри таниқли француз драматурги Жан Ануийнинг машҳур пьесасини сахналаштиришга қарор қилди. Самарқанд театрида эса антик давр асарига сахна юзини кўрди. Кўриб турганингиздек, турли муаллифлар, турли даврлар ва жанрлар.

"Аида" операси жаҳон мусика оламидаги сара асарлардан бири бўлиб, деярли барча опера театрлари репертуарида бор. Бунинг сабаби қаҳрамонларнинг улкан ва соф севгисидан ҳикоя қилувчи фожеий сюжет ҳамда Вердининг бетакрор мусикасидир.

Операни сахнага олиб чиққан режиссёр Ф. Сафаров, дирижёр Д. Абдурахмонов, роллар, расом 3. Ботиров ва либеллар расом Л. Полвонова маҳаббатли, кенг пландаги ёрқин спектакл яратишга муваффақ бўлганлар. Аида (М. Полякова), Амнерис (Я. Багрянская), Радамес (Н. Синхабиби) каби асосий қаҳрамонлар сахнада ниҳоятда кўримли намоён бўлган. Ҳар учала актёр персонажлар ички оламига, уларнинг рухий ва эмоционал ҳолатига чуқур кириб боришга, образларнинг аниқ ва ёрқин кифасини яратолгани билан ажралиб туради.

Дилбар Абдурахмоновнинг труппа раҳбари сифатида юксак дирижёрлик маҳорати мазкур операда яна бир бор яққол кўзга ташланганини қайда эйтиш жоиз. Санъаткор қаҳрамонлар қалби ва руҳияти муҳассас бўлган Верди мусикасини чуқур хис қилган ҳолда оркестрни маҳорат билан бошқаради. Шунинг ҳам айтиш керакки, "Аида" операси таркибида миср рақс унсурларини ўзида мужассам этган балет мусикаси ҳам мавжуд. Бинобарин, балетмейстер З. Нуримбетов томонидан қўйилган мазмунли рақс композициялари спектакл мўҳитига романтик руҳ бағишлаб, операни тўлдирishга ва бойитишга хизмат қилган. Верди операсининг сахналаштирилиши мумтоз асарларнинг яшовчанлигини намоён этиш билан бирга, труппанинг катта ижодий имкониятлари очилишига ҳам хизмат қилди. Зотан, операда жамоанинг вокал, оркестр ва сахнавий малакалари томошабин кўз ўнгига бетакрор уйғунликда намоён бўлади.

Айни дамда "Дийдор" театр-студиясининг "Юлдузли тунлар" спектакли ҳам муваффақият билан намоён этилмоқда. Таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев сахналаштирган мазкур спектаклда асосий ролларни ўзбек киносининг етакчи актёрларидан Алишер Ҳасанов, Бобур Йўлдошев, Адиз Ражабов, Акбархўжа Расулов, Юлдуз Ражабова, театр-студия актёрларидан Назолат Нарзиева, Руслан Хайдаров ва бошқалар ижро этишмоқда.

Шунинг қайда эйтиш лозимки, томошабин мазкур спектаклга буюк саркарда, шoir ва давлат арбоби Заҳриддин Мухаммад Бобур таржимани холидан хабардор бўлиш учунгина эмас, балки бу буюк инсон тақдири ҳақида ниҳоятда муҳим ва муқаддас нимани-

дир билиш ниятида келади. Маълумки, Б.Йўлдошев "Юлдузли тунлар"ни 1983 йили ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театрида қўйган. Ҳўш, бу сафар режиссёрнинг ушбу асарга қарашларида қандай ўзгариш юз берди? Унинг Бобур шахсига нисбатан муносабатида-чи? Айтиш жоизки, бу сафар роман инсценировкаси томошабин кўз ўнгига мутлақо қўйилмаган, янги-ча, ўзига хос кифада намоён бўлади.

Б.Йўлдошев дастлабки сахнадаёқ томошабини Бобурнинг хотира оламига олиб киради. Бобур қаршида

лар билан ишлашга, ҳар бир образнинг моҳиятини аниқлашга ҳолда, характерлардаги ички драматизмни имкон қадар кўрсатиб беришга қаратган. Шу билан бирга, актёрлар мураккаб ва қарама-қарши характерларни ишонarli талқин этиши учун уларга эркинлик берган.

Алишер Ҳасанов ижросидаги Бобур шойишмайди, актёр гўё ўз қаҳрамонини кузатади, қалби бу сирли

Талқин ва таҳлил

ва фожеий шахс моҳиятини, унинг қарама-қарши рухий оламини тушуниш истаги билан тўла. Воқеалар ривож

қилишида актёр аста-секин образ ички дунёсини бойитади. Режиссёр талқини ортидан борган А.Ҳасанов гўё тарихчилар билан мувоҳазага киришади ва сахнада шoirнинг қўйилмаган образи намоён бўлади. У саркарда ҳам, жангчи ҳам эмас, худди бизга ўхшаш оддий бир инсон.

Бобур — А.Ҳасанов самийи, очикқўнғил, юмшоқ-табиат, яқин одамларига ишонади, ниҳоятда оддий, айни пайтда истеъдодли шахс. А.Ҳасанов ижросидаги Бобур оғир-босик, ўз фикрига эга инсон, унинг тафаккури ҳамиша ривожланишда

эканни сезилиб туради. Рафиқасидан мажбуран воз кечиш сахнасида актёр диққати бир нуқтага жамланади, ҳатто бир қадар ўзи билан ўзи бўлиб қолади. Қаҳрамони танлаш жараёнини бошдан кечириётган бир дамда ҳар бир сўзини тарозига солиб, рухий оғрик-ла бойитиб гапирди. Бирок спектаклдаги энг асосий ва муҳим сахналардан бўлган тахтдан, ҳокимиятдан воз кечиш пайтида актёр қаҳрамонида кечаётган изтиробларни, ўзининг иложсизлигини ички драматизм орқали ифодалагани билан, ҳиссиётларига эрк беради.

Шайбонийхон — Б.Йўлдошев қадди-қомати келишига, савлатли, бир қадар ўзига бино қўйган. Актёр ижроси пластикаси, ташқи кифа-нинг ички ҳолатга мослиги, дадиллиги, кинояга мойиллиги ва образнинг ёрқин характерга эгалиги билан ажралиб туради.

Акбархўжа Расулов ижросидаги Мавлоно Фазлиддин Бобурнинг содиқ дўсти сифатида намоён бўлади. У Бобурнинг барча изтироблари, мағлубиятлари, бахтсизликларини бўлишади. Актёр қаҳрамони чуқур ҳамдардлиги, шoirона самимияти, лирик кечинмалари билан томошабини ўзига тортади.

"Дийдор" театр-студияси драма санъатининг тажриба мактаби экани мазкур спектаклда ҳам яққол исботини топган. Зеро, "Юлдузли тунлар" актёрлик ижросининг ишонarli ички психологизми, режиссёр фикрининг уйғун ифодаси билан одамни мафтун этади.

Комила ва Одил Абдурахмоновлар эса Ёшлар театрида француз адиби Ж.Ануй пьесаси асосида қизқарли спектакл қўйишга муваффақ бўлганлар. Ёш режиссёр ва актёрлар "Тўғрай" спектаклини романтика ва поэтика билан йўғрилган мунозара

тарзида томошабинга тақдим этишган. Ҳозирги замон Европа драматургиясининг энг ёрқин асарларидан бири бўлган "Тўғрай" пьесаси французларнинг миллий қаҳрамони Жанна д'Арк ҳақида.

Истеъдодли актриса Шаҳзода Валиева ижросидаги қаҳрамон азоб-укубат, поканиш, рухий сокинлик йўлини босиб ўтади. Ш.Валиева — Жанна д'Арк — нозикниҳол, айни пайтда жасур ва мақсадга эришиш йўлида ниҳоятда тиришқоқ қиз. Дастлаб у ёлғиз, бироз уятчан, ҳимоясиз кўринса-да, воқеалар ривож давомида кучли характерга эгалиги, дадиллиги, ўз кучига, қилаётган ишига ишончи намоён бўла боради. Шунинг айтиш керакки, ёш режиссёрлар ниҳоятда мураккаб драматургик материални сахнага қўйишга удалай олганлар. Муаллиф матнининг ишончли талқини, уни тушуниш, ёрқин режиссёрлик топишмалари, актёрларнинг ғайратли ва ишонarli ижролари труппа ижодий изланишларининг жиддийлигидан далолат беради.

Театрларнинг антик трагедияларга мурожаати нафақат репертуарни кенгайтириш, балки актёрлар маҳоратини ўстириш учун ҳам зарурлиги бор гап. Самарқанд сахнасида қўйилган "Эдип" спектакли маълум маънода труппа ижодий имкониятларини синовдан ўтказди. Режиссёр Авлиёқули Хўжақулиев Швейцария ривожланиш ва ҳамкорлик агентлигининг "Устоз ва шогирд" лойиҳаси доирасида Софокл ва Сенека пьесалари асосида ўз сахна вариантини яратди.

Спектакл воқеалари бўлиб ўтадиган сахнада томошабинлар ҳам ўтирадилар. Режиссёр мизансаҳналарни унча баянлаб бўлмаган узун, ёғоч тахталарга қуради. Тездан марказ бўлиб ёғоч пўстлоқ осилиб туради, лекин диққат билан қаралса, бу ишланмаган ёғочдан тайёрланган ёй бўлиб, ичида ўқ кўзга ташланади. Режиссёр расом Шухрат Абдумаликов билан ҳамкорликда бир қарашда оддий кўринган нарсани маълум рамзий маъно юклаган. Хотимада қора кийимдаги ёш қиз қўлида ўқ билан доира садоси остида қаҳрамон атрофида айланади ва ўқлар Эдипни кўр қилувчи ўзига хос тақдир рамзи сифатида намоён бўлади.

Мазкур спектаклда Хор деярли асосий қаҳрамон даражасига кўтарилиб, сюжетни ҳаракатга келтирувчи, ўзида асосий ғояни ташувчи кучга айланади. Эдип ва Иокаста ролларини ижро этган актёрлар талқини эътиборни тортади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳрулло Раҳимов дастлаб оғир-босик кўринса-да, сюжет ривож давомида унда қарама-қарши ҳолатлар кўзга ташланади, томошабин кўз ўнгига қизиқчон, кучли кифа намоён бўлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мехри Ҳасанов талқинидаги Иокаста сахнада мудом ўзи билан ўзи қурашда бўлган образ сифатида ёдда қолади.

Самарқанд театри мазкур тажрибаси билан антик трагедиялар бугунги сахна учун ҳам муҳим эканини кўрсатади.

Кўриб турганимиздек, навбатдаги театр мавсуми аллақачон турли талқиндаги асарларни томошабинга тақдим этишга улғурди. Унинг қандай яқунланишини вақт кўрсатади. Томошабин эса ҳамиша театрдан ўзини қизиқтирадиган, ҳаяжонга соладиган асарлар кутишга ҳақли!

Мухаббат ТўЛАХЎЖАЕВА,
санъатшунослик фанлари доктори

Миллий мусиқа хазинамизда қадимги даврлардан келаётган мусиқий намуналар кўп. Уларнинг тарихий илдири халқимизнинг олис ўтмишидаги маросимларига бориб тақалади. Жумладан, "Наврўзи Баёт" (ёки "Наврўзи Баёт") мусикаси қадимги туркий Баёт қабиласи орасида Наврўз байрами кўнлари айтилган машҳур қўшиқ билан боғланади. "Наврўзи Баёт" (Баёт) "Ўн икки мақом" тизимининг шўъбалар гуруҳидан ўрин олган.

Абдурахмон Жомий, Зайнулобиддин Хусайний, Нажмиддин Кавкабий ва бошқа алломаларнинг ўрта асрларда битган мусиқий рисолаларидан аён бўлишича, "Наврўзи Баёт"нинг асл ўзаги беш товушдан иборат ичмам шакли куй бўлган. Бу намунани янги этик-эстетик талаблар асосида мумтоз кўринишга келтириш учун адвор тизимидан ўрин олган 12 мақомдан бирига боғлаб ривожлантириш зарур эди. Шу мақсадда олимлар илмий жиҳатдан турли таснифларни ишлаб чиқарган. Хусусан, Нажмиддин Кавкабий Наврўзи Баётни Кучак (бошқача номи Зирафқанд) мақомига пайванд қилган. Пировардида "Наврўзи Баёт" куйи мусиқа амалиётида янги сифат даражасига эга бўлди.

Бизгача етиб келган Бухоро ва Хоразм Шашмақоми ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўллари шаклланиши жараёнида "Наврўзи Баёт" шўъбаси асосан Наво мақоми пардаларига сингирилган. Шу боис ҳозирда маълум "Баёт" мумтоз намуналари асосан Наво мақоми таркибида намоён бўлади. Жумладан, "Шашмақом" туркумидаги Наво мақоми Мушқилот бўлими (чертим йўлида) "Мухаммаси Баёт", Наср бўлими (айтим йўлида) эса "Талқини Баёт", "Насри Баёт" ва "Уфори Баёт" номларида келган. Шунингдек, устоз Исроҳ Ражабовнинг илмий изланишларида мусиқа амалиётида "Баёт"нинг хос куй тузилмаси асосида юзага келган "Баёт намуни" Наво мақоми шўъбалари бошқа мумтоз куй-ашуаларнинг авжи сифатида кенг қўлланиши айтилган.

"Шашмақом" таркибидаги "Баёт" мусикаси намуналари нота воситасида илк бор В.Успенский томонидан бухорчи мақом усталари — ҳофиз Ота Жалол Носир ва танбурчи Ота Ғиёс Абдуғанилар ижросида ёзиб олинган. Устоз Юнус Ражабий 1959 йили нашр эттирган "Бухоро мақомлари" ("Ўзбек халқ мусикаси", V жилд) ва 1970 йили қайта нашр этилган "Шашмақом" туркум нашрининг 3-жилдида эса ўзи ижро этган ҳамда Борух Зиркиев ва Михаил Толмасов ижросига оид талқинлар нота ёзувида муҳрланган.

Хоразм мақомлари таркибидаги "Баёт" чолгу ва айтим йўллари атоқли санъаткор Матнӣз Юсупов тузган. 1958 йили чоп этилган "Хоразм мақомлари" ("Ўзбек халқ мусикаси", I-V жилд) нашрида "Насри Баёт" шўъбаси Дугоҳ мақоми таркибида берилган.

Фарғона-Тошкент мақом йўлларида "Баёт"нинг чолгу йўллари қарийб ривож топмаган. Лекин беш қисмли "Баёт" туркум ашуалари маълум ва машҳур. Айниқса, Фузулийнинг "Шифойи васл қадрин хажр ила бемор ўлдан сўр, Зулоли завқи шавқин ташнаи дийдор ўлдан сўр" байти билан бошланувчи "Баёт I" ашулasi Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров ва уларга эргашган Юнус Ражабий ижроларида халқимизнинг сеvimли ашуаларига айланган. Мазкур ашула йўли зарби қадим ("Бумбақ") усулга таянади.

Туркумнинг иккинчи ("Баёт Таронаси"), учинчи ("Савти Баёт") ва якуний бешинчи ("Баёт Қашқарчаси") қисмлари ҳазрат Навоий газаллари асосида, тўртинчи қисми ("Баёт Талқинчаси") эса Нодира газалига боғлаб айтилади.

"Баёт Шерозий" номли беш қисмли мақом ашула йўли ҳам аслида "Баёт I-V"нинг назари кўринишидир. Бу намунанинг дастлабки қисмида Ҳофиз Шерозийнинг форсийда битилган "Расид муҳадди айёми гама нахоҳад монд" деб бошланувчи газали куйлангани боис "Баёт Шерозий" номи билан юритилади. Анди-

жонлик Мирзақосим ҳофиз ижросида Тошкент ҳофизлари орасида ҳам машҳур бўла

бошлаган бу туркум аслида уч қисмли бўлган. Юнус Ражабий "Баёт Шерозий I-V" (Талқинчаси) ва "Баёт Шерозий V" (Соқийномаси)ни ижод этиб, ушбу туркумни тўлиқ беш қисмли холга келтирган.

"Баёт" парда оҳанглари Ўзбекистон бастакорлари ва композиторлари ёзган қатор ашула, мусиқали драма, опера ва кинофилмларда кенг қўлланиб келади. «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драма усталари "Баёт I" Фарҳоднинг арияси тарзида, Ю.Ражабийнинг "Чапандози Баёт" ва "Ўйин Баёт"лари "Лайли ва Мажнун", "Муканна" мусиқали драмаларида ўринли қўлланилган.

"Баёт" мақом ашула йўллари бугунги кунда таниқли ҳофизлар ва уларнинг шогирдлари дастуридан муқим ўрин олган бўлиб, турли танлов ва концертларда тез-тез ижро этилади. Жумладан, "Баёт I" ашула йўли халқимизнинг тўй маросимларида, байрам тадбирларига ўзгача файз бағишлаб келмоқда.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
санъатшунослик фанлари доктори

КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Қуни кеча "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашнинг йил тўққиз ойи яқунлари бўйича ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Кенгаш аъзолари, бирлашма ходимлари, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси вакиллари иштирок этиди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси Иқбол Мирзо Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалаларга тўхтади. Шу йил 25 октябрь кунини "Хурият" газетасида журналист Гузал Маликованинг "Беруний эшитмаган нағмалар" сарлавҳали мақоласида ҳозирги кунда мамлакатимиз телеканалларида эфирга узатилаётган клиплар ва саёз матнлар танқид қилинганга эътибор қаратилди. Кенгаш ҳамда унинг ижрочи органи ҳисобланган "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар ҳақида сўз борди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Ф.Жўраев, бирлашма бошқарма бошликлари О.Абдуқаҳҳоров, Қ.Йўлдошев ва бошқалар сўзга чиқиб, эстрада бирлашмасининг 9 ойлик фаолияти яқунлари ва навбатдаги вазифалар, лицензия олувчиларнинг ҳуқуқий-ижтимоий билимларини, малакаларини ошириш, концерт-томоша тадбирларини ўтказишда сахна маданиятига, миллий қадриятлар ва анъаналарга риоя қилиш ҳолатларига тўхтади.

Йиғилишда мамлакатимиздаги теле ва радиоканалларда эфирга узатилаётган, кафе ва ресторанларда мониторлар орқали намоён этилаётган миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган, маънавиятимизга зид бўлган клиплар, қўрастулар ва эшитиришларни эътибордан соқит этмаслик юзасидан тақлифлар билдирилди.

Поэзия — бу тирикчиликнинг далили. Агар ҳаётнинг оловдек ёнаётган бўлса, поэзия — бу унинг қули.

Ҳеч ким кўз ёшлар водийсини четлаб ўтишга қодир эмас. Аммо изтиробларни қаматишнинг мумкин, агар ўзимизни шахсий драмаларимиз бош қаҳрамони, деб ўйлашни бас қилсак.

Ростини айтганда, мен ҳеч қачон ўзимни шoir, деб ҳисобламаганман. Бунинг аниқлашни бошқаларга қўйиб бер...

Бир нарсача сира тушунолмайман, нега менинг қўлим настирин шох эмас?

Ўзимни пессимист, деб ҳисобламайман. Ўйлашимча, пессимист — бу ҳозир ёмғир ёғиб юборишини қутуви одам. Мен эса шундоқ ҳам ўзимни бошдан-оёқ шалабо бўлгандек ҳис қиламан.

Нима учун менинг ишим қийин бўлмаслиги керак? Қийинчилик ҳамма ишда бор. Баъзи одамлар илҳомнинг мавжудлигига ишонишади: уларнинг назарида биз барча матнларни тез ва осон ёзамиз. Турли, шундай муаллифлар ҳам бор. Лекин мен ўзимни уларнинг сафига қўймайман.

Доймо ўлимдан қўрқиб яшашнинг кераги йўқ. Чунки у келганда қўрувча қўшиб ҳаётингни ҳам олиб кетади.

КАМАЛАК ОРТИДАГИ ВИСОЛ

Канадалик машҳур қўшиқчи, шoir ва ёзувчи Леонард Коэн (1934-2016) адабиётини, айниқса, шеъриятини жонидан севган, ўзи ҳам қалам тебратишини қанда қилмаган истеъдодли санъаткор эди. У бутун ҳаётини ижодга, мусиқа ва сўз санъатини уйғунлаштирган бетакрор қўшиқлар яратишга бағишлади. Сақон икки ёшида мусиқа осмонини тарқ этган бу ёрқин юлдуз ўзидан кейин сўнмас мерос қолдирди.

Худди Боб Дилан сингари Коэн ҳам ёшлик чоғидаёқ шеъриятга меҳр қўйган. Макгил университетида таҳсил олаётганда у Уильям Йейтс, Уолт Уитмен, Гарсия Лорка сингари шoirлар ижодини катта қизиқиш билан ўрганган. 1956 йили ёш каламашининг "Келинг, мифологияни солиштирамиз" деб номланган дастлабки шеърий китоби нашр қилинди. Орадан беш йил ўтиб Коэн иккинчи шеърий тўплами — "Ер зияворлари қутиси"ни чоп эттирди.

Бу китоб адабий танқидчилар эътиборига тушиб, муаллифни "Севимли уйин", "Ахойиб омадсизлар" романиларини ёзишга илҳомлантирди. Вақт ўтиши билан шеърий оҳанглари қўшиқларга айланиб бора қайта ишлар, тахрир қилар, қўшиқларини мукаммал кўринишга келтирмагунча тинчимасди. Бундай сермашаққат ижод, албатта, ўз мевасини ҳам берди. Хонанда қўйлаган ва муаллифлик қилган қўллаб қўшқилар, жумладан, "First We Take Manhattan", "Suzanne", "Dance Me To The End of Love", "Bird on a Wire",

Л.Коэннинг қўшиқ яратиш услуби бошқаларникига ўхшамасди. У ўз асарларини ёзиш учун кўп вақт сарфлар, гоҳида биргина таронани яратиш учун бир неча йил изланарди. Ҳар битта сўз, жумла устида заргарона меҳнат қилган хонанда ўз шеърий матнларини кўп бора қайта ишлар, тахрир қилар, қўшиқларини мукаммал кўринишга келтирмагунча тинчимасди. Бундай сермашаққат ижод, албатта, ўз мевасини ҳам берди. Хонанда қўйлаган ва муаллифлик қилган қўллаб қўшқилар, жумладан, "First We Take Manhattan", "Suzanne", "Dance Me To The End of Love", "Bird on a Wire",

Л.Коэн ҳаётининг сўнгги йилларида ижод қилишдан тўхтамади. Бироқ ярим аср давомида унинг илҳом тариси бўлган сеvimли аёли яқин кунларда ҳаётдан кўз юмишини эшитгач, қалбини оғир тушқунлик эгаллади. Коэн ёрига мактуб йўллаб, камалак ортида уни қутиб туришини илтимос қилди. Марианна бунга рози бўлди. Орадан уч ой ўтгач, икки сеvimшган қалб яна учрашди...

"Future", "Hallelujah" сингари тароналар унга катта шухрат келтирди. Коэн кўплаб нуфузли совринларга сазовор бўлиб, адабиёт йўналишида "Нобел" мукофотига номзодлар қаторига ҳам кирган. Ҳаёти давомида ўндан ортиқ шеърий ва насрий китобларини чоп эттирди. У яратган қўшиқлар нафақат шoirона оҳанги, балки ижтимоий, фалсафий, диний ва психологик мавзуларга бағишланган теран мазмун билан ҳам муҳлислар қалбидан жой олди.

Л.Коэн ҳаётининг сўнгги йилларида ижод қилишдан тўхтамади. Бироқ ярим аср давомида унинг илҳом тариси бўлган сеvimли аёли яқин кунларда ҳаётдан кўз юмишини эшитгач, қалбини оғир тушқунлик эгаллади. Коэн ёрига мактуб йўллаб, камалак ортида уни қутиб туришини илтимос қилди. Марианна бунга рози бўлди. Орадан уч ой ўтгач, икки сеvimшган қалб яна учрашди...



Леонард КОЭН:

Мен каминига пул тўлашлари учун ижод қилишни истамайман. Мен ижод қилганим учун пул тўлашларини хоҳлайман.

Эҳтимол, хунук одамдирман. Аммо мен мусиқа яратаман.

Жудалик — бу санъатнинг онасидир.

Энг яхши асарлар ҳамиша сеvimги етишмагани тўғрисида яратилган.

СЕХРЛИ СЛОВАКИЯ

Ўзбекистон Бадий академияси ва Словакия Республикаси элчихонаси ҳамкорлигида Самарқанд шаҳридаги "Чорсу" галереясида "Сеҳрли Словакия" деб номланган китоб иллюстрациялари ва фотоасарлар кўргазмаси очилди.

Кўргазма Бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов ва Словакия Республикаси Халқаро ва Европа ишлар вазирлиги котиби жаноб Лукаш Паризек очди.

Экспозицияда 1967-2013 йиллар мобайнида Братислава халқаро биееналеси ВІВ болалар китоблари учун ишлаган энг яхши иллюстрациялар совриндорларининг асарлари ҳамда фоторассом Ладислав Стругарнинг 30 та сурати намойиш этилмоқда.

Албин Бруновски, Винсент Хложник, Людовит Фуле каби иллюстрация санъати мактабининг ёрқин намоёндалари бугунги кунда педагогик фаолият билан ижодий фаолиятни барабар олиб боришмоқда.

Кўргазмада асарлари намойиш этилган турли авлод рассомлари кўпгина халқаро танловларда мукофотларга сазовор бўлишган.

Юксак эстетик савияда бажарил-

Ўзбекистон ва жаҳон

ган ишлар орасида Яна Киселёва-Ситекованинг композициялари томошабинлар диққатини тортмоқда. Турли эртақлар учун яратилган бу китоб иллюстрациялари экспрессив ранглардан иборат бўлса-да, нозик чизиклар, миниатюра услубининг қўлланиши уларга алоҳида жозиба бахш этган. Словакия иллюстрация мактабининг асосчиси Албин Бру-

новски композициялари эса, аксинча, гайриоддий фантастик махлуқлар ва гуллардан иборат бўлиб, томошабинга сюрреалистик кайфият бағишлайди. Энг ёш рассом Томаш Клепохнинг иллюстрациялари бир ишда турли техникалар қўлланиши билан фарқланади. Ҳазилнамо услубдаги Мартина Матлович-Кралова ишлари коллаж тарзида бўлиб, алоҳида кўринишларни эслатади.

Кўргазмага қўйилган машҳур фото рассом Ладислав Стругарнинг ишларида она Ватанининг гўзал манзаралари, бетакрор табиат гўзаллиги, қадимий ва навқирон меъморлик обидалари акс этган. Бугунги кунда 15 та фототўплам муаллифи бўлган ушбу рассом асарларини Европа, Америка ва Осиё давлатлари шахсий жамламаларида учратиш мумкин.

Мазкур кўргазма, шубҳасиз Словакия ва Ўзбекистон Республикалари ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Шахло БАҲНОЕВА,
санъатшунос



Куз манзараси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият кафедраси профессорлиги. Санъатшунослик ва маданиятшунослик, вокал, миллий кўшиқчилик, информатика ва табиий фанлар, тиллар ва адабиёт, кино, телевидение ва радио режиссураси, эстрада ва оммавий томошалар санъати, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари доцентлиги.

Информатика ва табиий фанлар, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш, муסיқий-назарий фанлар, муסיқали, драматик театр ва кино санъати, чолғу ижрочилиги, фольклор ва этнография, саҳна нутқи, педагогика ва психология, ижтимоий-гуманитар фанлар кафедралари катта ўқитувчилиги.

Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги, саҳна нутқи, овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати, информатика ва табиий фанлар, кино, телевидение ва радио режиссураси, тиллар ва адабиёт, саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият, миллий кўшиқчилик, вокал, кўғирчоқ театри санъати, чолғу ижрочилиги, санъатшунослик ва маданиятшунослик, фольклор ва этнография, маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш, муסיқий-назарий фанлар кафедралари ўқитувчилиги.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- Ректор номига ариза;
- Ходимнинг шахсий варақаси;
- Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- Паспорт нусхаси;
- Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
- Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳно-

- ма нусхаси;
- Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 «а»-уй.

Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

ШИРИН ТУШ

Шабнамларга юз ювдим,
Тонг тутқазди сочинг.
От чоптириб қиз қувдим,
Олиб қочдим ошғим.

Далла берди шамоллар,
Юлдузлар турди қўлаб.
Барча ғарбу шимоллар,
Кузатдилар бахт тилаб.

Қуёшнинг қўлини тутиб,
Илиққина сўрашдим.
Дедим, ерни тарк этиб,
Севгим учун курашдим.

Жилмайиб ой оҳ, деди,
Қолди ерда олғирлар.
Кўкда бўлди тўйимиз,
Гувоҳ — булут, ёмғирлар.

Бахтли эдик, кўнгил тўқ,
Ҳис-туйғуга чулғаниб.
Қарасам қиз қургур йўқ,
Эҳ, кетибман уйғашдим.

Шундоқ бўлсам қўз очиб,
Ёниб жисмин, бутиним.
Пешонамга муз босиб,
Ўтирарди хотиним.

"ГУДОК"

Қариганда қуломадик,
Кирмади ҳеч эсимиз.
Зеби момо иккимиз,
Ёзишамиз SMS.



Шу SMS баҳона,
Олган эдик топишиб.
Энди эса телефонга
Қолаяман ёпишиб.

Зеби қургур баъзида,
Дилини гашлаб қўяди.
Айнан ярим кечаси,
"Гудок" ташлаб қўяди.

Овозингдан айланай,
Пойингга тиз чўкмаан.
Майли "гудок" ташлайвер,
Ўзим қайтиб чиқмаан.

Зеби деди: "Ҳар кунни,
Сўраб туринг ҳолимни.
Ўн йил олдин тупроқда,
Тошширганман чолимни".

Сўнг қиздайин қиқирлаб,
Сўраганди ёшимни.
Саксон, саксон дейман деб,
Ютиб қўйдим носимни.

Ўктам САДИН

Журналларни варақлаганда

"ТЕАТР"

2016 йил, 5 сон



Журналнинг бу сониди мамлакатимизда янги театр мавсуми очилишида намойиш этилган спектакллarga алоҳида эътибор қаратилган. А.Матёкубовнинг "Алтома қисмати" мақоласида Фарғона вилояти муסיқали драма театрида саҳналаштирилган "Аҳмад Фарғоний" спектаклига таҳлилий назар солинса, О.Азизовнинг "Қуёш биру дунё биру инсоният бир..." мақола-сида Миллий театр саҳнасида қўйилган "Мирзо Улуғбек" спектакли ва бу асарнинг қисқача тарихи борасида мулоҳаза юритилади. Н.Умаровнинг "Муштарак маданиятлар" руқнида берилган ахборотида пойтахтимизда меҳмон бўлган рус давлат академик Малый театрининг "Ҳақиқат яхши, бахт эса аъло" спектакли ҳақида маълумот берилган. Ўзбекистон халқ артисти Пулат Саидқосимов билан "Томошабин қалбига йўл" сарлавҳали суҳбат, А.Исмоиловнинг "Режиссурамиз бутун ва истиқболи" номли тадқиқоти, Г.Орифжоновнинг "Музей томошалари" мулоҳазали мақола-си ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Шунингдек, журналнинг янги сонидан Л.Жўраевнинг "Навоний бўстонида муסיқий фольклор", А.Турдиевнинг "Азаллий рамзларнинг янги нафаси", Д.Аъзамовнинг "Кино муваффақияти", Х.Чўлпоннинг "Устоз ва шогирд мактаби" каби мақола ва ахборотлари ўрин олган.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ёнғин аталмиш офат асосан, эҳтиётсизлик оқибатида рўй беради. Айниқса, болаларнинг назоратсиз қолдирилиши муҳим оқибатларга олиб келади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқароларга ёнғинлар олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки ҳар бир ҳамоҳурига бориши керак.

Бола онгиди ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштирокида содир бўлаётган нохуш ҳолатлар қамқилишига ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу боралда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қондалари, талафотнинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли саҳналаштирилган лавҳалар, кўргазмалар қўроқлар ёрдамида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аҳоли турар жой биноларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш юз берадиган фалокатнинг олдини олади. Бундай назоратларнинг маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳулулда истиқомат қиладиган аҳолининг мол-мулки ҳамда соғлиғига путур етказмаслигини таъминлайди.

Д.ЗУФАРОВ, М.ТУРСУНОВ,
ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

Юртимизда олтин куз фасли. Демак, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг юмушлари янада ортади.

Кузги-қишқи мавсуми беталофат ўтказиш мақсадида шу соҳа ходимлари томонидан аҳоли турар жойлари ва маҳаллаларда 54 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Улар иштирокида кўп қаватли аҳоли турар жойлари, мактабгача бўлган болалар муассасалари, мактабларнинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб чиқилмоқда. Текширув давомида асосий эътибор иситиш қозонлари, газ ускуналарининг соғлиғига қаратилиб, камчиликлар юзасидан йўриқномалар берилмоқда.

Масалан, қишнинг совуқ кунларида иссиқликни сақлаш мақсадида айрим ҳолда қўлда ясалган ёки носоз иситиш мосламаларидан фойдаланилади. Бу эса хавфли вазиятларни юзасига келтиради. Ёнғин оқибатида катта миқдорда нафақат қорхона ва ташкилотлар зарар кўради, балки инсон саломатлиги ҳам хавф остида қолади.

Шунинг учун фуқаролар қиш мавсумида носоз иситиш мосламаларидан, ясама печлардан фойдаланмасликларни мақсадга мувофиқ. "Фалокат қош билан қовоқ ўртасида", дейишди. Озгина эътиборсизлик катта фалокатга, тузатиб бўлмас хатога сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, ҳар бимиз хушёр бўлмоғимиз, яқинларимизнинг соғлиғига бефарқ қарамаслигимиз лозим.

Ш.ВАЛИЕВ, Ж.ТУРОПОВ,
ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

ЛЕВ ТОЛСТОЙ САЁҲАТЛАРИ

Буюк адиб Лев Толстойнинг Ясная Полянага саёҳати унинг ҳаёти мазмунини англатса-да, у бир жойда муқим ўтиришни ёқтирмаган, кўп сафарларда бўлган. Жумладан, 18,5 минг чақирим йўл босиб, Европа бўйлаб қилган саёҳати, айниқса қизиқарли.

1857 йилнинг бошларида, ҳали у қадр бой бўлмаган ер эгаси — 29 ёшли ёзувчи биринчи марта йўлга отланади. Беш кун давомида почта извошида Варшавага етиб олгач, у ердан поездда Парижга боради.

Уша вақтда темирйўл жадал ривожланаётганди. Рус вагонлари Европадаги сингари кўмир билан эмас, ёғоч ўтинда иситилгани учун нисбатан тоза-роқ эди. Поезд қулай бўлса-да, Лев Николаевич одатда отда юришни маъқул қўрган. Париж. 1857 йил, феврал-март. Толстойга кўп ўриндикли от аравада саёҳат қилиб, парижликларнинг кундалик турмуш тарзини кузатиб юриш ёқар эди. "Шаҳар ҳаётининг гўзаллигига сабаб — ижтимоий озодлик туйғусидир. Буни ҳис этмай туриб, фикрлаш мумкин эмас... — деб ёзади Толстой. — Менинг Парижда яшаётганимга яқинда икки ой бўлади ва пировардида бу шаҳарга бўлган қизиқишларим сўнишини кўра олмаيمان...". Бироқ орадан икки кун ўтиб, у Франция пойтахтини тарк этади.

Баден-Баден. 1857 йил, июл. Лондон, Брюссел ва Антверпен шаҳарларига ташриф буюришни режалаштирган Лев Николаевич Баден-Бадендаги казинода тутилиб қолади. Бу ердан кетишга синглисининг эридан ажралаётгани ҳақидаги нохуш хабар сабаб бўлади. Толстой Россияга тезлик билан қайтишга мажбур бўлади.

Рим. 1861 йил, январ. Ёш граф бу ерда камтарона ҳаёт кечиради. Қиммат бўлмаган ижара уйда яшади, оддий ресторанда овқатланади. Флоренция. 1861 йил, январ. Бу ерда сургундан озод бўлган декабрист Сергей Волконский билан танишган Толстойда декабристларнинг қайтиши ҳақида роман ёзиш фикри туғилади. Аммо, охириқибат саккиз йилдан сўнг "Уруш ва тинчлик" яратилади!

Лондон. 1861 йил, феврал. 32 ёшли Лев Николаевич Париждан Лондонга келади. Уша вақтда Англия пойтахти ҳозиргидай эмас, лондонликлар каналлация билан биргаликада метро ҳам қазийётган эдилар. Пойтахтдаги остин-устун шу даражада эдики, марказдаги тор кўчаларда от арава ва яққа отликлар қийинчилик билан ҳаракатланарди.

Толстой худди ишхонага қатнагандай музейга қатнайдди. Бу ерда таълим-тарбияга оид бой кутубхона бор эди. Ёзувчи 49 та китобни ўқиб чиқади ва уларнинг айримларига аниқ хулосалар беради: "ақли қосир мутаассиблик" ("Ахлоқ сабоқлари" тўғрисида), "фикрсизлик намунаси" ("Нутқ асослари" тўғрисида), "Хотинларнинг сафсатаси" ("Ўқиш китоби" тўғрисида). Таҳсинга сазовор ягона нашр — "Минерал, ҳайвонот ва ўсимлик моддалари" номли қўлланма бўлади. Бу ҳақда Толстой шундай ёзади: "Болаларнинг барча саволларига жавоб берувчи ажойиб китоб".

Пелл-Мэлл кўчасида жойлашган адабий ўйгаракнинг вақтинчалик аъзоси бўлган Толстой ўзи азалдан танишишни орзу қилган инглиз адиби Чарлз Диккенснинг маърузаларида қатнашади. Толстой эс-даликларида таъкидлашча, Диккенс унда "ажойиб ўқимишлилиги ва ўзининг қуруқ, аммо кучли қаддиқомати билан ёрқин таассурот қолдирган". Аммо бош вазир Пальмерстоннинг Англия парламенти вакиллар палатасидаги уч соатлик маърузаси унга зерикарли туюлади.

Деярли ҳар кунни Лев Николаевич Паддингтон туманидаги Орсет-Хаусда жойлашган меҳмондўст уйга — 14 йилдан буён хорижда яшаётган Герценлар хонадонига меҳмонга боради. Герцен ҳам, унинг оиласидагилар ҳам адибнинг муҳлислари эди.

Лев Толстой 1861 йил 17 мартда Лондонни тарк этиб, қадрдон Ясная Полянага келади ва бошқа қайтиб Европа томонларига бормайди. Бегона юртлардаги турмуш тарзини кўриб бўлади, қўнға тамаддун харобалари уни руҳлантира олмайди, таълим тизими ҳафсаласини пир қилади, либерал қарашлар уш қелмайди ва демократияга ишонмайди. Аммо ўшанда эндигина ўттиздан ошган адиб ўзининг рух халқига, унинг бошқалардан кўра қамроқ ахлоқсизлик домига ботгани ва янги адолатли тузум қуриш учун кўпроқ имкониятга эгалигига амин бўлади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилинг:



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибхона — 233-49-93

Электрон почта: uzas.gzt@mail.ru

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиaddin
САЙИД

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоний кўчаси, 30-уй

Босишга топириш вақти — 20.00. Босишга топирилди — 23.55

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 3580. Буюртма S — 7515. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВАА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2341-614X



7 722 3 61 61 4000